N 24 (153) • 2008 йил 6 июнь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## *Қонун чиқарувчилар нималар устида ишлашмоқда*



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 21 майдаги ялпи мажлисида қуйидаги қонун лойиҳалари кўрилди ва қабул қилинди:***

· ***«Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»*** *(учинчи ўқиш);*

· ***«Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»*** *(учинчи ўқиш);*

· ***«Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»*** *(биринчи ўқиш);*

· ***«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»*** *(биринчи ўқиш).*

***Шунингдек депутатлар Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг иши тўғрисида унинг раиси Тўланбой Каримов тақдим этган ҳисоботни муҳокама қилдилар. Қўмитанинг фаолияти умуман қуйидаги тавсия берилган ҳолда маъқулланди: бундан кейин қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таъминлайдиган қонунларни такомиллаштириш борасида қонун чиқариш ташаббуси субъектлари билан янада яқиндан ҳамкорликда ишлаш лозим.***

## ПАРЛАМЕНТДА ТИНГЛАШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ:

• ***«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»***ги қонун лойиҳаси асосига лицензияланадиган фаолият турлари билан ноқонуний шуғулланганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш амалиёти қўйилган.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги 73 фаолият тури лицензияланиши керак[1]. Бироқ лицензиясиз фаолият учун маъмурий жавобгарлик уларнинг фақат уч тури бўйича назарда тутилган – радиотрансляция узелларини қуриш ва улардан фойдаланиш, кино– ва видеомаҳсулотлар ижараси ҳамда йўловчиларни автомобиль транспортида ташиш соҳаларида. Судьяларнинг қайд этишларича, «қолган (70) фаолият тури билан лицензиясиз шуғулланганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилайдиган умумий меъёрнинг йўқлиги кўрсатилган ҳуқуқбузарликларга жиноят ҳуқуқий воситалари ёрдамида ҳам лозим даражада қарши туриш имконини бермайди, чунки оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаганда жиноий жавобгарлик маъмурий преюдицияни[2] тақозо этади».

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчилар айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган фуқароларни маъмурий тартибда – ЭКИҲнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларни эса ЭКИҲнинг 10 бараваридан 15 бараваригача жарималар солиш билан жазолашни, шунингдек маъмурий ишлар бўйича судьяларнинг нималарни кўришини аниқлаштиришни таклиф қилмоқдалар.

• ***«Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»***ги қонуни лойиҳаси назорат тартибида суднинг ҳал қилув қарорига протест билдириш процессуал тартибини йўлга солишни назарда тутади. Юристлар ушбу чора мазкур масалада «хўжалик юритувчи субъектларнинг интизомли бўлишини таъминлайди» ва манфаатдор шахсларнинг мурожаатларини бирхиллаштиради деб ҳисоблайдилар.

Хусусан, протестни (ФПК 350-моддасининг тўртинчи қисмидагидек) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб 3 йил ўтишига қолдирмай тақдим этиш мумкинлиги назарда тутилмоқда.

• Ўзбекистон Республикасининг «***Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида***»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тақозо этди. Парламентнинг қуйи палатаси иккала қонун лойиҳасини уч ўқишда кўриб чиқди ва Сенат уларни яқин орада сессияда кўриб чиқиши мумкин.

---

*[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхати тўғрисида» 222-II-сон қарорига қаралсин.*

*[2] **Преюдиция** (prejudice) – 1. (юр.). Ҳуқуқий масалани олдиндан ҳал қилиш, усиз мазкур ишни судда ҳал қилиб бўлмайди, 2. (юр.) Юридик қоида, унга кўра жиноятни таъқиб этувчи органнинг бекор қилинмаган қарори унга худди шу масала бўйича янги қарор чиқаришига тўсқинлик қилади.*

## БЮДЖЕТ – 2008



• **23 майда** Қонунчилик палатасининг мажлиси давом этди. Унда **2007 йил ва 2008 йилнинг I чораги учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот** кўрилди ва тасдиқланди.

**Мажлис олдидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Ғазначилик, Ҳисоб палатаси ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ваколатли вакиллари иштирокида мажлис ўтказди, унда депутатлар бюджет ижроси билан боғлиқ турли муаммоларни муҳокама қилиш ва Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга доир қўшимча ахборот олиш имкониятига эга бўлдилар.**

Яқинда Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини эълон қилди. Агар улар ушбу даврда давлат бюджетининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот билан таққосланса, ушбу маълумотлар янада тушунарли бўлиб ойдинлашади.

### ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР

I чоракда **давлат бюджетининг даромадлари** қарийб 1,7 трлн сўмни ташкил қилди: бунда деярли 1,3 трлн сўм солиқ органларининг ва 370,5 млрд сўм божхонанинг саъй-ҳаракатлари туфайли олинди. Ўтган йилнинг худди шундай даври билан таққослаганда бутун бир қатор солиқлар бўйича бюджетга тушумлар ошди. Мутахассислар буни қуйидагича шарҳлайдилар:

• **Микрофирмалар ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ тўлови** бўйича ЯСТ ставкасининг пасайтирилиши уни тўловчиларнинг иқтисодий аҳволига ижобий таъсир кўрсатди;

• **Билвосита солиқлар (хусусан, ҚҚС)** бўйича тушумларнинг ўсиши миллий ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайиши, иқтисодиётнинг реал секторидаги ижобий силжишлар тўғрисида гувоҳлик беради;

• **Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи** бўйича ўтган йил даражасида базавий ставканинг сақланиши шароитида тушумлар суръатининг юқори даражада ўсишини базавий ставканинг корхоналарнинг молия-иқтисодий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишда давом этаётган бундан аввалги йилларда пасайиши тақозо этган.

Божхона органлари бўйича жами тушумларда **ҚҚС ва божхона божи** улушининг салмоқли кўпайиши жисмоний шахслардан олинадиган ягона божхона тўловининг бекор қилиниши билан изоҳланади, улар 1 январдан бошлаб умумбелгиланган тартибда божхона божларини тўлай бошладилар.

Жисмоний шахслар, Молия вазирлигининг фикрича, ЭКИҲнинг 5 бараваридан 6 бараваригача бўлган паст ставка бўйича солиқ солинадиган даромадлар миқдорининг кўпайиши ҳисобига 7 млрд сўмдан ортиқ маблағни тежадилар. Тегишинча, деб ҳисоблайди молия идораси, аҳолининг «реал даромадлари» айни шу суммага кўпайган.

**Давлат харажатлари** йилнинг I чорагида 1,6 трлн сўмни ташкил қилди. Ушбу сумманинг 52%и (826 млрд сўмдан кўп) ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди, «ижтимоий харажатлар»нинг 57,6%и эса таълим муассасаларини сақлаб туриш ва ривожлантиришга сарфланди.

Соғлиқни сақлаш тизими 184 млрд сўм, маданият, спорт ва бюджет ОАВлари 19 млрд, илмий муассасалар 4,3 млрд сўм олдилар.

Иқтисодиётни ривожлантиришга давлат 120 млрд сўм ажратди. Шундан: агросаноатга 92 млрд дан кўпроқ, саноатнинг базавий тармоқлари ва ёқилғи-энергетика мажмуасига 12,8 млрд, капитал қўйилмаларни молиялашга 159 млрд сўмдан кўпроқ.

Давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд органларини сақлаб туришга 38 млрд, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларини молиялашга яна деярли 12 млрд сўм сарфланди.

Бюджетни таъминлаш чорак якунлари бўйича профицит билан бажарилган, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмаган.

### ТАФТИШЛАР ВА ИСРОФГАРЧИЛИКЛАР

Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси 2-бетда

УШБУ СОНДА

5-бет Низолар хўжалик судида ҳал этилади
6-бет Пенсионер ишлаганда...
7-10-бетлар Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар
11-бет Акциянинг баҳосини биласизми?

$1 = 1308,08 сўм €1 = 2051,07 £1 = 2588,17 сўм ¥10 = 125,58 сўм

INTER PRESS
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13
www.interpress.uz
p44_045

# БЮДЖЕТ – 2008

1-бетда

ва унинг ҳудудий бошқармалари йил бошидан бир қатор бюджет муассасаларида тафтиш ва текширишлар ўтказдилар. Текширилган корхоналарнинг 74,7% ида жами 1737,1 млн сўм миқдорида молиявий ҳуқуқбузарликлар: ўғирлик ва маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик ҳоллари аниқланган. Бунда халқ таълими вазирлиги (73,3%), соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари (80,6%), Ўрта ва махсус ҳунар-касб таълими маркази (83,7%) «ўрнак» бўлишган.

Қонунчилик палатаси мажлисида «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг бир корхонаси ҳам алоҳида тилга олинди, бу ерда 192,8 млн сўмлик пахта маҳсулоти ва бошқа бойликлар камомади аниқланган.

**ҒАЗНАЧИЛИК ИЖРОСИ**

Ғазначилик «бюджет» шартномалари, тўлов топшириқномалари, чеклар ва ҳисобварақ-фактураларнинг миқдори ва жорий ҳолати тўғрисида парламентни ғоятда батафсил хабардор қилди. Қисқа қилиб айтганда, идоранинг фикрича, ғазначилик ижросининг жорий этилиши бюджет маблағларини олувчиларни кўп бўғинли молиялаш амалиётини йўқ қилиш, улар харажатларини харажатлар сметаларида назарда тутилган суммалар доирасида тўлашни таъминлаш, бюджет маблағини олувчиларнинг кўп миқдорини ҳисобварақларга сочилиб кетишининг олдини олиш, тўловлар ва иш ҳақи тўлаш муддатларини қисқартириш, 3,8 млрд сўм миқдоридаги маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланмасликнинг олдини олиш имконини берган.



## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ҚЎМИТАСИДА МАРКАЗИЙ БАНК ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда республика Марказий банкининг 2007 йилги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажоновнинг ҳисоботи тингланди.

Мажлисда Марказий банкнинг 2007 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилганлиги ва мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижроси таъминланганлиги қайд этилди.

Олиб борилган қатъий монетар сиёсат, хусусан пул-кредит кўрсаткичларининг белгиланган мақсадли параметрлар даражасида бўлиши инфляцияни 6,8 фоизгача пасайтириш имконини берди.

Банкларнинг барқарор ресурс базасини шакллантириш борасида амалга оширган ишлари банклардаги депозитлар ҳажмининг 2006 йилга нисбатан 27 фоиз, аҳоли омонатларининг 47 фоиз кўпайишига олиб келди. Бу рақамлар банк тизимига бўлган ишонч янада ошиб бораётганидан далолат беради.

Ҳисобот йилида банк тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг устав капитали қарийб 2 баравар, банкларнинг жами капитали 1,4 бараварга ўсгани қайд этилди.

Банкларнинг устав капиталига аҳоли ва инвесторлар маблағларини жалб этиш жараёнининг жадаллаштирилиши банклар акциядорлари сонининг бир йил давомида 12,5 мингтага кўпайишига, жорий йил бошига келиб 200 мингтага етишига имкон берди. Акциядорларнинг 68 фоизини жисмоний шахслар ташкил этмоқда.

Банклар томонидан янги банк хизмати турларининг жорий қилиниши, кенг тармоқли банк инфратузилмасининг яратилганлиги тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратмоқда.

Бугунги кунда бешта тижорат банки – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Пахтабанк», «Ҳамкорбанк», «Ғаллабанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк» етакчи рейтинг компанияларининг халқаро рейтингига эга бўлди.

Шу билан бирга Ўзбекистон банк тизимининг жаҳондаги нуфузли рейтинг агентликлардан бири – «Moody's» рейтинг агентлигининг рейтингини олганлиги 2007 йили молия тизимида эришилган муҳим ютуқлардан бири бўлди.

Хусусан, «Moody's» агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимига бирйўла учта йўналиш бўйича, яъни «банк-молия тизимининг барқарорлиги», «миллий валютадаги узоқ муддатли депозит» ва «чет эл валютасидаги узоқ муддатли депозит» йўналишлари бўйича барқарорлик рейтинглари берилди.

Ҳисобот йилида банклар иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги иштирокини янада фаоллаштирдилар, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдорини янада ошириш ижобий тенденциясини сақлаб қолдилар. Жумладан, хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техника ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадлари учун қарийб 2 трлн сўм маблағ сарфланди.

Ҳисобот йилида банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар 36 фоиз, тадбиркорлар ва хусусий шахсларга берилган микрокредитлар миқдори эса 70 фоиз кўпайди.

Қўмита мажлисида 2008 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, жорий йилдаги устувор вазифалар – қаттиқ монетар сиёсат юритишни давом эттириш, пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли параметрлар доирасида бўлишини таъминлашдан иборат эканлиги қайд этилди.

Шунингдек, мажлисда 2008 йилда тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, базавий тармоқларни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилашга оид инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш, таркибий ислоҳотлар негизини ташкил қилувчи инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама якунларига кўра Қўмита Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2007 йилги фаолияти якунлари юзасидан ҳисоботини маъқуллади ва уни Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши муҳокамасига киритишга қарор қилди.

***«Банк ахборотномаси» газетаси, 2008 йил 4 июндаги 25 (632)-сон.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 3 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1255,50 | 1 Польша злотийси | 604,72 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2588,17 | 1 СДР | 2132,94 |
| 1 Дания кронаси | 275,03 | 1 Туркия лираси | 1060,89 |
| 1 БАА дирҳами | 356,16 | 1 Швейцария франки | 1265,68 |
| 1 АҚШ доллари | 1308,08 | 1 ЕВРО | 2051,07 |
| 1 Миср фунти | 244,98 | 10 Жанубий Корея вони | 12,61 |
| 1 Исландия кронаси | 17,87 | 10 Япония иенаси | 125,58 |
| 1 Канада доллари | 1321,29 | 1 Россия рубли | 55,45 |
| 1 Хитой юани | 188,46 | 1 Украина гривнаси | 259,03 |
| 1 Малайзия ринггити | 404,07 | | |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 4.06.2008 | 1 | 0,8204 | 1 | 1,2676 | 1 | 0,0345 |
| Арманистон | 4.06.2008 | 1 | 305,95 | 1 | 472,39 | 1 | 12,86 |
| Беларусь | 5.06.2008 | 1 | 2133,00 | 1 | 3296,87 | 1 | 89,61 |
| Грузия | 4.06.2008 | 1 | 1,44 | 1 | 2,2445 | 1 | 0,0608 |
| Қозоғистон | 5.06.2008 | 1 | 120,73 | 1 | 186,59 | 1 | 5,07 |
| Қирғизистон | 31.05.2008 | 1 | 36,2891 | 1 | 56,1665 | 1 | 1,5287 |
| Латвия | 5.06.2008 | 1 | 0,455 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0191 |
| Литва | 5.06.2008 | 1 | 2,235 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,3927 |
| Молдава | 4.06.2008 | 1 | 10,1979 | 1 | 15,9037 | 1 | 0,431 |
| Тожикистон | 5.06.2008 | 1 | 3,4305 | 1 | 5,3492 | 10 | 1,4413 |
| Ўзбекистон | 3.06.2008 | 1 | 1308,08 | 1 | 2051,07 | 1 | 55,45 |
| Украина | 4.06.2008 | 100 | 485,20 | 100 | 756,5724 | 10 | 2,0475 |
| Эстония | 4.06.2008 | 1 | 10,1312 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,425862 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2008 йил 3 июнь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1320,00 | 1322,00 | 2050,00 | 2080,00 |
| "Асака" банки | 1320,00 | 1322,00 | 2051,00 | 2056,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1321,00 | 1323,00 | 2052,00 | 2066,00 |
| "Пахта Банк" | 1321,00 | 1323,00 | 2055,00 | 2060,00 |
| "Халқ банк"и | 1320,00 | 1322,00 | 2052,00 | 2065,00 |
| "Ипотекабанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2052,00 | 2060,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2052,00 | 2065,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1320,00 | 1323,00 | 2054,00 | 2075,00 |
| "UzKDBбанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2052,00 | 2067,00 |
| "Ғаллабанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2052,00 | 2061,00 |
| "Трастбанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2052,00 | 2062,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1320,00 | 1322,00 | 2061,00 | 2066,00 |
| "Алоқабанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2052,00 | 2067,00 |
| "Ў-Т банк" | 1320,00 | 1323,00 | 2053,00 | 2073,00 |
| "Туронбанк" | 1320,00 | 1322,00 | 2052,00 | 2072,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1320,00 | 1322,00 | 2055,00 | 2070,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1321,00 | 1323,00 | 2055,00 | 2065,00 |
| "Туркистон" банк | 1321,00 | 1323,00 | 2051,00 | 2056,00 |
| "Даврбанк" | 1320,00 | 1322,00 | 2052,00 | 2070,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1321,00 | 1323,00 | 2052,00 | 2081,00 |
| "Капитал банк" | 1321,00 | 1323,00 | 2052,00 | 2081,00 |
| "Содерат банк" | 1320,00 | 1322,00 | 2050,00 | 2080,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2047,00 | 2067,00 |
| "Универсалбанк" | 1320,00 | 1323,00 | 2068,00 | 2074,00 |
| "Парвинабанк" | 1320,00 | 1323,00 | 2054,00 | 2057,00 |
| "Равнақбанк" | 1320,00 | 1322,00 | 2050,00 | 2080,00 |

***"Банк ахборотномаси" 25 (632)-сон 2008 йил 4 июнь.***

**УШБУ СОНДА:**

✓ **ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА**
– Бюджет – 2008
– Валюталар курси *1-2-бетлар*
✓ **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
– Улушни ўз ихтиёрингиз билан беринг
– Бориш қийин бўлган ҳудудларни ҳоким белгилайди
– Компенсацияни махсус ҳисобварақда тўпланг
– Ҳисобварақ очиш қоидалари *3, 4-бетлар*
✓ **ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ**
– Ўғирлик юз берган эдими?
– Шартнома кучи – ҳужжатли далилларда *5-бет*
✓ **ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ**
– Дам олишни хоҳламайдиган пенсионер *6-бет*
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
– «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-111-сонли Қонуни)»;
– «Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида».
**Идоравий меъёрий ҳужжатлар:**
– ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;
– ЎзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. *7-10-бетлар*
✓ **МОЛИЯ БОЗОРИ**
– Акцияларни баҳолаш усуллари *11-бет*
✓ **БИЗНЕС-ПАНОРАМА** *12-16-бетлар*

*Эксперт юридик хизмати маслаҳат беради*

# УЛУШНИ ЎЗ ИХТИЁРИНГИЗ БИЛАН БЕРИНГ

**?** ***Тошкент шаҳридаги фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2007 йилда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан, Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан «Ўзқурилишматериалсавдо» МЧЖга нисбатан, кўрсатилган МЧЖ иштирокчиларидан бирининг манфаатларини кўзлаб, жамиятнинг устав капиталидаги унинг 13 213 093 сўм 44 тийин миқдоридаги улушини ундириш тўғрисидаги даъво талаблари тўлиқ қондирилган. Суднинг ҳал қилув қарорига биз қўшилдик.***

***2007 йил 13 августда Яккасарой туман суд ижрочисининг қарори билан биз ушбу суммани Тошкент шаҳар Яккасарой туман суд ижрочилари бўлимининг ҳисоб-китоб рақамига ўтказишимиз кераклиги қайд этилди. Шу муносабат билан бизнинг МЧЖ ҳисоб-китоб рақамидан мажбурий тартибда 13 213 093 сўм 44 тийин олинди ва Яккасарой туман суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисобварағига қайд этилди, сўнгра эса чиқиб кетган иштирокчига тўланди.***

***2007 йил 14 августда Тошкент шаҳар ДСБ бизга хат юборди, унга мувофиқ чиқиб кетган иштирокчи улушининг ҳақиқий қийматига биз ДСҚнинг 2007 йил 13 апрелдаги тушунтириш хатига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солишимиз керак эди. Бундан ташқари Яккасарой туман ДСИ 2007 йил 15 августдаги хати билан бизга шуни маълум қилдики, 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага мувофиқ чиқиб кетган иштирокчи улушининг ҳақиқий миқдори билан унинг бошланғич ҳиссаси ўртасидаги фарққа жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади: 13 213 093,44 сўм – 3 301 584 сўм (чиқиб кетган иштирокчининг бошланғич ҳиссаси) = 9 911 509,44 сўм – тўлов манбаида ушланадиган, даромад солиғи солинадиган сумма.***

***Бундан тўлов манбаи биз эканлигимиз келиб чиқади. Бироқ суд ижрочилари суднинг ҳал қилув қарорини бажара бориб, бизнинг ҳисоб-китоб рақамимиздан 13 213 093,44 сўмни ўзбошимчалик билан олишди, бу суммага 2 395 284,36 сўм даромад солиғи ҳам киради.***

***Биз тўлов манбаи ҳисобланамизми? Агар ҳисоблансак, нима учун биз давлат даромадига йўналтиришимиз керак бўлган даромад солиғи суммасини суд қарорларини ижро этувчи органлар чиқиб кетган иштирокчига ўтказдилар? ДСИ ходимлари чиқиб кетган МЧЖ иштирокчисининг даромадларидан тўланмаган солиқ суммасини, шунингдек уни белгиланган муддатда ушламаганлик учун пеняни биздан ушлашлари керакми? Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой суди биздан 2 642 618,6 сўм давлат божини ушлаган. Шу тариқа биз жазо олиб бўлган эдик.***

**З.Бобоназаров,**
**«Ўзқурилишматериалсавдо» МЧЖ директори.**

– «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун *(2001 йил 29 августдаги 258-II-сон)* 23-моддаси учинчи қисмининг, 45-моддаси ва 46-моддаси 2-бандининг мазмунидан келиб чиқилганда, мажбурий ундиришни қарздорнинг пул маблағларига қаратиш қарздор пул маблағларини ундирувчига ихтиёрий тартибда ижро этиш ишини юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатларда ўтказиш хусусидаги талабларни бажармаган тақдирда суд ижрочилари томонидан қўлланиладиган чора ҳисобланади. Ижро ишини юритиш тартиби ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низом *(адлия вазирининг АВ томонидан 2001 йил 29 декабрда 1091-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган)* 89-банди «б» кичик бандининг мазмунидан келиб чиқиб, қарздордан пул маблағларини мажбурий ундириш мақсадида суд ижрочиси ўзининг қарори билан банкка қарз миқдоридаги пул маблағларини ундирувчининг банкдаги ҳисобрақамига ўтказиш, унда банк ҳисобрақами бўлмаса – суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисобварағига ўтказиш мажбуриятини юклайди, шундан сўнг кўрсатилган сумма ундирувчига берилиши керак. Айни шу сабабли пул маблағлари МЧЖ ҳисоб-китоб рақамидан суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисобварағига ўтказилган. Шу тариқа, суд ижрочиларининг ҳаракатлари қонун ҳужжатларининг меъёрларига асосланган эди.

Суднинг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш пайтида солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар 1997 йил 24 апрелдаги 396-I-сон Қонун билан тасдиқланган Солиқ кодекси* *(бундан кейин – СК)* ҳамда Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган**, бундан кейин – 1110-сон Йўриқнома)* билан тартибга солинган.

СК 63-моддасининг 3-бандига, шунингдек 1110-сон Йўриқноманинг 36-бандига кўра жисмоний шахслардан даромад солиғини тўлов манбаида жисмоний шахсларга дивиденд ва фоизларни тўлайдиган юридик шахслар ушлашлари шарт. Солиқ солиш мақсадида дивидендлар деганда, СК 29-моддасининг иккинчи қисмига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталида улушли иштирок этишдан олинадиган ҳар қандай даромадлар тушунилган***.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, МЧЖ ўша даврда амал қилган қонун ҳужжатларига кўра жисмоний шахсга даромадлар тўлаш манбаи ҳисобланган, шу муносабат билан улардан бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ушлаши шарт эди.

СК 63-моддасининг иккинчи қисмига кўра солиқ суммаси ушланмаган ҳолда даромад тўлаган юридик шахс зиммасига бюджетга ушланмаган солиқ суммасини киритиш мажбурияти юкланган. Шунга асосан МЧЖ чиқиб кетган иштирокчига тўланган даромадлардан солиқ суммасини тўлаши **шарт**. Бироқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўловчилар фақат жисмоний шахслар ҳисобланиши, юридик шахслар эса мазкур ҳолда ушланмаган солиқ суммасини ўз маблағларидан тўлаб, фақат солиқ агенти сифатида чиқишлари боис, МЧЖ фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига МЧЖ тўлаган солиқ суммасини қайтариш тўғрисида чиқиб кетган иштирокчига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат этишга ҳақлидир.

МЧЖ бюджетга ушланмаган солиқ суммасини тўламаган тақдирда уни солиқ хизмати органлари юридик шахсдан сўзсиз тартибда ундиришга ҳақли эмаслар, чунки:

1. Бундай тартибда СК 134-моддасининг иккинчи қисмига кўра, пенядан ташқари, фақат **боқимонда** ундирилиши мумкин эди.

2. Солиқ бўйича боқимонда уни тўлаш **муддатларини бузиш натижасида вужудга келади******.

3. СК 63-моддасининг учинчи қисмига кўра жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушланганида солиқ қуйидаги муддатларда тўланиши керак эди:

– даромад тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси шу мақсадларда **пул маблағлари олиш учун** банкка ҳужжатлар тақдим этиш билан бир вақтда бюджетга ўтказилиши керак эди (бунда юридик шахс пул маблағлари олиш учун банкка фақат жисмоний шахсларга нақд пул тўловлари қилинганидагина мурожаат эта олиши мумкинлигини қайд этамиз);

– тўловни натура ҳолида ёки маҳсулотни реализация қилишдан, ишлар бажариш ёхуд хизмат кўрсатишдан тушган тушумдан тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида бюджетга ўтказилиши керак эди.

МЧЖ даромад солиғи суммасини ушлаши шарт бўлган пул маблағлари суд ижрочилари бўлимининг ҳисобрақамига чиқиб кетган иштирокчи фойдасига **нақд пулсиз тартибда** ўтказилган эди. Кўрамизки, **жисмоний шахслардан олинадиган, нақд пулсиз шаклда тўланадиган, тўлов манбаида ушланадиган даромад солиғи суммасини бюджетга тўлаш учун муддат** белгиланмаган, демак МЧЖ уни буза олмас ҳам эди. Кўрсатилган ҳолат туфайли солиқ хизмати органлари МЧЖга нисбатан пеня кўринишида молиявий жазо чорасини қўллашга ҳам ҳақли эмаслар.

Амалдаги Солиқ кодекси *(2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонун билан тасдиқланган)* 108-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ шахснинг айби исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда **айбдор ҳисобланмайди.** Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар қабул қилинишига қадар юзага келган ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган мазкур Кодекс 3-моддаси учинчи қисмининг мазмунидан келиб чиқиб, амалдаги СК 108-моддасининг юқорида кўрсатилган меъёри биз кўриб чиқаётган ҳолга қўлланиши керак.

**Даромад солиғи суммасини ўз ичига олган пул маблағларини суд ижрочилари мажбурий тартибда ундирганликлари ва чиқиб кетган иштирокчига ўтказганликлари сабабли, МЧЖ мазкур маблағлардан даромад солиғини ушлаш имкониятига эга эмас эди, бу унинг айби йўқлигидан бевосита гувоҳлик беради.** Бунинг тескарисини исботлаш жуда мушкул. Амалдаги СК 108-моддасининг олтинчи қисмига кўра жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмас. Айбни исботлаш мажбурияти солиқ органлари зиммасига юкланади.

Барча айтилганларга якун ясаймиз. Юзага келган вазиятда, бизнингча, сизнинг икки йўлингиз бор.

Биринчи йўл – ўз маблағларингиздан бюджетга чиқиб кетган иштирокчидан олинадиган даромад солиғи суммасини тўлаш, сўнгра суд орқали ундан мазкур сумма қопланишини талаб қилиш. Иккинчи йўл жисмоний шахсдан олинадиган даромад солиғини тўлаш мажбурияти кўрсатилган ҳолда МЧЖнинг чиқиб кетган иштирокчиси зиммасига юкланишига асосланган, у 2007 йилда ўзи олган даромадни солиқ хизмати органларида декларациялаши ва бюджетга хўжалик юритувчи субъект томонидан ушланмаган солиқ суммасини тўлаши керак эди. Сиз эса ўз солиқ инспекциянгизга у олган даромад ва ундан ушланган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни беришингиз зарур.

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро суди МЧЖдан ундирган давлат божига келсак, у жазо чораси ҳисобланмайди, балки ишни судда кўриш муносабати билан қилинган суд харажатлари учун ундириладиган мустақил мажбурий тўловдир.

***Екатерина БУХТИЯРОВА,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

** Мазкур ҳужжат 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонун билан тасдиқланган Солиқ кодекси 2008 йил 1 январдан амалга киритилиши билан ўз кучини йўқотган.*

*** Мазкур Йўриқнома МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2008 йил 21 январда 1761-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига мувофиқ МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори ўз кучини йўқотганлиги боис ўз кучини йўқотган.*

**** Бугунги кунда амалдаги Солиқ кодекси (2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонун билан тасдиқланган) 22-моддаси биринчи қисми олтинчи ва ўн учинчи хатбошилари мазмунидан келиб чиқилганида, иштирокчи томонидан юридик шахснинг устав капиталидан олинган, у ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилган ҳолдаги даромадлар ҳам солиқ солиш мақсадида дивидендлар деб номланади.*

***** 1995 йил 22 декабрдаги 177-I-сон «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги Қонун (2007 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-138-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ўз кучини йўқотган) 2-моддасига кўра.*

РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

pr_67

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

– транспортнинг барча турларида юк ташиш
– юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш
– импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

# БОРИШ ҚИЙИН БЎЛГАН ҲУДУДЛАРНИ ҲОКИМ БЕЛГИЛАЙДИ

**?** ***Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон* ва 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон** қарорлари билан бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда жойлашган савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари ва давлат рўйхатидан ўтказганлик учун рўйхатга олиш йиғимларини камайтириш назарда тутилади. Бундай туманларга Жиззах вилоятининг Зомин тумани ҳудуди кирадими?***

**К.Раюмов,**
**Зомин туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси раҳбари.**

– Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун табақалаштирилган солиқ ставкалари ўн йилдан аввал белгиланган эди. Илгари пасайтирилган ставкалар олис ва тоғлик туманларда, 2004 йилдан бошлаб бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда жойлашган корхоналар учун белгиланган эди. Бориш қийин бўлган (олис) ва тоғлик туманларда жойлашган аҳоли пунктлари аниқ рўйхатининг йўқлиги асосли равишда солиқ ундириш имконини бермайди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришни мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2007 йил 24 ноябрдаги сим орқали кенгаши баённомаси билан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига республиканинг бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларига кирадиган ҳудудини аниқлаш топширилган эди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг қарори тайёрланмоқда, унда республика ҳудудини бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларга киритишнинг асосий омиллари белгиланади. Бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларга кирувчи аҳоли пунктларининг аниқ рўйхати вилоятлар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланиши назарда тутилмоқда.

Бориш қийин бўлган ва тоғлик туманлар деганда маъмурий туманлар эмас, балки географик туманлар, яъни муайян қишлоқ жойи тушунилади.

Фикримизча, бориш қийин бўлган туманлар сирасига туман марказларидан 25 километрдан олисда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари кириши керак, бу ерларда транспорт харажатлари яқин аҳоли пунктларига қараганда сезиларли ошади.

Ҳозирги вақтда ушбу масала муҳокама қилинмоқда ва, эҳтимол, бошқа масофа қабул қилинар. Туман марказидан анчагина олисда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари Жиззах вилоятининг Зомин, Фориш туманларида, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва бошқа вилоятларнинг баъзи туманларида мавжуд.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясига мувофиқ *(8-жилд, 573-бет)* геоморфологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда денгиз сатҳидан 1 000-2 000 метр баландда жойлашган ҳудудлар паст тоғларга киритилган. Шу тариқа, тоғлик ҳудудларга денгиз сатҳидан 1 000 метрдан баландда жойлашган ҳудудлар киради. Солиқ солиш мақсадлари учун тоғлик туманларни белгилаётганда баландликнинг ушбу даражасини қабул қилиш мумкин. Денгиз сатҳидан 1 000 метрдан баландда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари Жиззах вилоятининг айрим туманлари, шу жумладан Зомин тумани, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа вилоятларда мавжуд.

Шу тариқа, солиқ солиш ва рўйхатдан ўтказиш йиғимини белгилаш мақсадида муайян корхоналарни бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда жойлашган корхоналарга вилоят ҳокими томонидан ушбу ҳудудга кирувчи қишлоқ аҳоли пунктлари рўйхати тасдиқланганидан кейин киритиш мумкин.

***Арзет ЛАТИПОВ,***
***Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Давлат ер кадастри бўлими бош мутахассиси, бизнинг эксперт.***

* *Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарори.*

** *Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида» қарори.*

*Ноанъанавий савол*

# ҲИСОББАРАҚ ОЧИШ ҚОИДАЛАРИ



**?** ***Солиқ инспекцияси билан мулоқотда нохушликларга учрамаслик учун компания қанча ҳисоб-китоб варақларини очиши мумкин?***

– Бугунги кунда қонунчилигимиз корхоналар ҳисобварақлари миқдорини чегараламайди. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқнома *(янги таҳрири МБ бошқарувининг АВ томонидан 2001 йил 10 ноябрда 1080-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Йўриқнома)* юридик ва жисмоний шахсларнинг бир ёки бир неча банкда миллий ва хорижий валюталарда «Талаб қилиб олингунча» депозит ҳисобварақлари ва депозит ҳисобварақларининг бошқа турларини очиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди.

Йўриқномага кўра **миллий валютадаги** «Талаб қилиб олингунча» депозит ҳисобварағини очиш учун тадбиркорлик субъектлари (юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган) томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар (белгиланган шакл бўйича) тақдим этилади: ҳисобварақ очилишига ариза; давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси нусхаси; имзолар ва муҳр изи намуналари бўлган карточка. Хўжалик юритувчи субъектнинг биринчи бўлиб очилган миллий валютадаги «Талаб қилиб олингунча» депозит ҳисобварағи унинг асосий ҳисобварағи ҳисобланади. Корхоналар бир ёки бир неча банкда «Талаб қилиб олингунча» иккиламчи депозит ҳисобварақларини ҳам очишлари мумкин. Бироқ ҳисобварақ биринчи марта очилишида компания банкка у солиқ идорасида ҳисобга турганлиги тўғрисида маълумотнома олиб келиши керак. Бу шартни бажармасликнинг иложи йўқ, чунки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-моддасининг тўртинчи қисмига кўра солиқ органларида ҳисобга қўйилганлик тўғрисидаги маълумотномасиз корхоналар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб варақлари ёки бошқа ҳисобварақларни очиш банкнинг мансабдор шахсларига энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бир неча банкда ҳисоб-китоб варақлари очилганида эса юридик шахс бундан ўзи рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органи ва асосий ҳисобкитобварағи очилган банкни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Йўриқномада тадбиркорлик субъектлари, тадбиркорлик субъекти ҳисобланмаган резидент юридик шахслар, шу жумладан бюджет ташкилотлари, норезидентлар (бундан жисмоний шахслар мустасно), резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан **хорижий валютадаги** «Талаб қилиб олингунча» депозит ҳисобварақлари, «Талаб қилиб олингунча» иккиламчи депозит ҳисобварақлари, омонат, муддатли ҳамда миллий ва хорижий валютадаги бошқа тур депозит ҳисобварақларини очиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг рўйхатлари ҳам белгиланган.

Агар компанияда филиаллар – мустақил юридик шахслар бўлса, уларнинг ҳар бири алоҳида асосий ҳисоб-китоб варағини очиш ҳуқуқига эгадир. Юридик шахснинг таркибий бўлинмалари (ваколатхоналар, филиаллар)-га «Талаб қилиб олингунча» депозит ҳисобварақлари бош корхонанинг илтимосномаси бўйича очилади. Унда солиқ тўловчи юридик шахснинг идентификация рақами кўрсатилади ва банкка ҳисобварақни очишга ариза ҳамда имзолар ва муҳр изи намуналари бўлган карточка билан биргаликда тақдим этилади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга оширишни энди мўлжаллаётган хўжалик юритувчи субъектларга, устав капиталини шакллантириш учун муассисларнинг (иштирокчиларнинг) дастлабки бадалларини қайд этиш учун, улар давлат рўйхатидан ўтказилишига қадар миллий ва/ёки хорижий валютада «Талаб қилиб олингунча» вақтинчалик (жамғарувчи) ҳисобварағи очилиши мумкин. Бунинг учун ваколатли шахс муассислар (иштирокчилар) номидан банкка эркин шаклда ҳисобварақ очишга ариза тақдим этади.

Мижоз томонидан исталган ҳисобварақ очилганида банк билан унга хизмат кўрсатишга шартнома тузилади. Ҳисобрақамлар очиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун уларнинг эгалари жавобгар бўлади. Банклар томонидан тадбиркорлик субъектлари учун ҳисобварақлар очиш учун тўлов миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараваридан ошмаслиги керак.

Хорижий банкларда ҳисобварақлар очиш – алоҳида масала. Уларни очиш ҳуқуқи, биринчидан, резидент ваколатли банкларга берилган. Улар лицензияда хорижий банкларда корреспондентлик ҳисобварақлари юритилишини назарда тутадиган хорижий валютада операциялар ўтказиш шартлари, шунингдек тегишли давлатнинг корреспондентлик муносабатлари ўрнатилган Марказий (Миллий) банки рухсатномаси мавжуд бўлганида (агар бундай рухсатнома хорижий давлатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса), бошқа давлатларнинг банкларида корреспондентлик ҳисобварақларини оча оладилар.

«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ *(янги таҳрири 2003 йил 11 декабрдаги 556-II-сон Қонун билан тасдиқланган)* резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкларда Марказий банк томонидан белгиланган тартибда миллий валюта ва хорижий валютада ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлилар.

Хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган резидент жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон ташкилотларининг хориждаги ваколатхоналари томонидан республикадан ташқарида ҳисобварақлар очилиши ва улардан фойдаланилишига фақат уларнинг хорижда бўлиш ва фаолият юритиш давридагина йўл қўйилади. Ушбу муддатлар тугагач ҳисобварақлар ёпилиши керак ва улардаги маблағлар қолдиғи Ўзбекистонга ўтказилади.

Ўзбекистонда давлатнинг валютани тартибга солиш органи ҳисобланган Марказий банк ўз ваколатлари доирасида валютани тартибга солиш масалалари бўйича **барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий** бўлган меъёрий ҳужжатлар қабул қилади.

***Бизнесда муаммога дуч келдингизми? Ўз саволларингизни normapress@mail.ru манзили бўйича юборинг, биз ҳам ўз тажрибамизга, шунингдек етакчи маслаҳатчиларнинг тажрибаси ва амалиётига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шундай бўлсада маслаҳатларимизни ҳеч ҳам ҳаракат қилишга бевосита кўрсатма сифатида қараманг – сиз улардан ўз хоҳишингизга кўра фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Норма маслаҳатчи» ушбу рукнда чоп этилган тавсияларга асосланган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.***

• РЕКЛАМА



*Суд низолари*

# ЎҒИРЛИК ЮЗ БЕРГАН ЭДИМИ?

## СУД НИЗОСИНИНГ МОҲИЯТИ

Тузилган шартномага кўра ихтисослашган ташкилот қўшма корхонага тегишли бўлган, омбори бор дўконни қўриқлашни таъминлаш мажбуриятини олди. Омбордан ҚК ишлаб чиқарган, 15 млн сўм турадиган маҳсулот ўғирланган. ҚК бу қўриқлаш ташкилоти шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармагани туфайли юз берди деб ҳисоблади ва етказилган зарарни тўлиқ қоплашни талаб қилди. Рад жавобини олиб, хўжалик судига даъво билан мурожаат қилди.

Суд қўриқлаш ташкилотидан маҳсулот қийматини ундириш учун у ўғирлик бўлгунига қадар омборда бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш зарурлигидан келиб чиқди. Буни бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари, қонун билан белгиланган талабларга риоя этган ҳолда ўғирликкача ўтказилган инвентаризация қилиш натижалари тасдиқлаши мумкин эди.

Даъвогар маҳсулот бўйича лозим даражада расмийлаштирилган бухгалтерия ҳужжатларини судга тақдим этмади. Унда фақат инвентаризациялаш рўйхати бор эди. Суд унинг суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлади, унинг натижаларига кўра инвентаризациянинг 19-сон БҲМС «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» *(АВ томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланди. Бу эса рўйхатнинг ёзма далил сифатида қабул қилинмаслиги учун асос бўлиб хизмат қилди. Бунга қўшимча равишда ўғирлик далили бўйича қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов прокуратура томонидан бунга дахлдор шахслар аниқланмаганлиги боис тўхтатилди.

Буларнинг ҳаммаси ҚКнинг даъво талабларини қондиришдан бош тортиш учун асос бўлди.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
КОРХОНА ЮРИСТИ
04_0020
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

## ИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ХУЛОСА

*Чет кишиларнинг товар-моддий бойликлардан рухсатсиз фойдаланишидан лозим даражада ҳимоя қилишни таъминламай, натижада улар ўғирланишидан етказилган зарар суммасини қўриқлаш ташкилотидан ундириш мумкин, башарти қўриқланадиган ҳудудда ТМБ мавжудлиги ва уларнинг қиймати бухгалтерияга оид ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланса.*

## ВАЗИЯТНИ БАҲОЛАШ

Хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай операция ҳужжат билан расмийлаштирилиши керак *(1996 йил 30 августдаги 279-I-сон «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун 9-моддасининг биринчи қисми)*. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистрида юритилиши керак *(кўрсатилган Қонуннинг 10-моддаси)*. Уни омборга жойлаштириш юкхат бўйича амалга оширилиб, келиб тушган юклар журналига ёзув қайд этилади. Бу – расмийлаштирилиши керак бўлган ҳужжатларнинг мажбурий минимуми. Муайян вазиятга боғлиқ ҳолда улар кўп бўлиши мумкин.

Омборда тайёр маҳсулотнинг борлигини асослаш учун ҳужжатларни судга тақдим этиш зарур. Ушбу ҳолда корхона маҳсулот ўғирликкача мавжудлиги ва омборда бўлганлигини, қўриқлаш ташкилоти эса унинг бут сақланиши учун тегишли шароитни таъминламаганлигини исботлай олади.

Товар-моддий бойликларни инвентарлаш рўйхати *(19-сон БҲМСга 8-илова)* яна бир далил ҳисобланади. У корхонада ўтказилган инвентаризация натижалари бўйича тузилади. Рўйхатда маҳсулот, шу жумладан омборда бори, номи, тури (нави, гуруҳи), номенклатура рақами бўйича акс эттирилиб, ўлчов бирлиги ва қиймати ҳамда ҳақиқатда мавжудлиги кўрсатилади. Қўлда бундай рўйхатга эга бўлиб, маҳсулот ўғирланишига қадар омборда бўлганлигини, демак унинг йўқотилишига йўл қўйган қўриқлаш ташкилоти у билан тузилган шартнома шартларини бажармаганлигини ҳам асослаш мумкин.

Бироқ суд ёзма далил сифатида ҳар қандай ҳужжатни ҳам қабул қилавермайди. Биринчидан, у шакли ва мазмуни бўйича қонунларга мувофиқ келиши керак. Иккинчидан, унда келтирилган ахборот объектларни аниқ ва равшан идентификациялаши керак. Масалан, агар инвентаризация рўйхатида маҳсулотнинг номи келтирилмаган бўлса, мазкур ҳужжат билан омборда қўриқлаш ташкилоти ходимларининг навбатчилиги вақтида ўғирланган айни ўша маҳсулот бўлганлигини исботлаб бўлмайди.

Шу сабабли ҳужжатни шунчаки расмийлаштириш эмас, балки буни барча қўйилаётган талабларга аниқ мувофиқликда қилиш ғоятда муҳимдир.

# ШАРТНОМА КУЧИ – ҲУЖЖАТЛИ ДАЛИЛЛАРДА

## СУД НИЗОСИНИНГ МОҲИЯТИ

Телекоммуникациялар хизматларининг провайдери масъулияти чекланган жамият билан шартнома тузди, унга кўра провайдер жамиятга алоҳида ўтказилган кабель орқали Интернет тармоғига киришни ва ҳар ойда ажратилган линия орқали трафик транзитини таъминлаши керак эди. МЧЖ 700 минг сўмга трафикдан фойдаланди, бироқ фақат 90 минг сўмни тўлади. Қолган пулни у тўлашдан бош тортиб, буни хизматларнинг паст сифати: тармоқ бирикувидаги доимий тўхтаб қолишлар, маълумотлар узатиш узилиши ва ҳоказолар билан асослади. Шунда провайдер хўжалик судига қарзни МЧЖдан мажбурий тарзда ундириш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилди.

Хўжалик суди низони кўриб чиқиш чоғида шартнома мазмунидан ва унинг шартларини бузиш далиллари тўғрисида баёнот берилаётган ҳар қандай маълумотларни низо тарафлари ҳужжатлар билан тасдиқлаши керак деган тезисдан келиб чиқди. Шартномада МЧЖ тўхтаб қолишлар билан хизматлар кўрсатилишини далолатнома билан расмийлаштириши кераклиги назарда тутилган эди. Суд мажлисида даъвогар жамият истеъмол қилган трафик жадвалларини тақдим этди, улардан МЧЖ хизматлардан тўлиқ шартнома ҳажмда фойдаланганлиги кўринар эди. Жамият эса судга тўхтаб қолишлар ва маълумотлар узатилиши узилишлари тўғрисидаги далолатномаларни тақдим этмади, чунки уларни тузмаган эди.



Хўжалик суди провайдер талабларини тўлиқ қондирди.

## ИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ХУЛОСА

*Ижрочи томонидан буюртмачига лозим даражада хизматлар кўрсатилмаслигининг ҳар қандай далиллари ҳужжатлар билан қайд этилиши зарур.*

## ВАЗИЯТНИ БАҲОЛАШ

Жавобгар низода фақат ўзининг шошқалоқлиги: керакли вақтда ҳужжатни расмийлаштирмаганлиги туфайли мағлуб бўлди. Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш бўйича шартномага оид ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик кодексининг *(бундан кейин – ФК)* 703-708-моддалари, шунингдек пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар билан тартибга солинади. Мазкур ҳолда ФК 646-моддасининг иккинчи қисми қўлланилади, унда айтилишича: «ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликларини аниқлаган буюртмачи бу камчиликлар ёхуд уларни тузатиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйиш мумкинлиги далолатнома ёки қабул қилишни тасдиқловчи бошқа ҳужжатда кўрсатилган ҳоллардагина уларни важ қилиб келтиришга ҳақли».

Кўриб чиқилган вазиятда телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчи, Интернет тармоғида ахборотни қабул қилиш-узатиш чоғида узатиш узилганлигини аниқлагач, биринчидан, бундан провайдерни хабардор қилиши, иккинчидан, далолатномани расмийлаштириб, унда бирикувнинг узилиши ва тикланиш вақтини, узилиш қанча давом этганлигини кўрсатиши ва, учинчидан, провайдер билан ҳисобот даври якунлари бўйича кўрсатилган хизматлар тўғрисида далолатномани имзолаётганда унда алоқа узилганлиги далили тўғрисидаги маълумотларни акс эттириши керак эди.

Лозим даражада расмийлаштирилган, хизматлар сифатининг камчиликларини ишончли тасдиқлайдиган ҳужжатга эга бўлган хизмат буюртмачиси унга Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари *(ЎзААА бош директорининг АВ томонидан 2004 йил 5 октябрда 1417-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган)* 26-банди «з» кичик бандининг учинчи хатбошиси билан берилган ҳуқуқдан фойдаланиши ва провайдердан тақдим этилган хизматлар қийматини мутаносиб равишда камайтиришни, яъни моҳиятан шартномада қайд этилганидан камроқ суммани тўлашни талаб қилиши мумкин.

Хўжалик судининг иш юритишида шартномавий тусдаги низоларга нисбатан даъвогар ва жавобгарнинг процессуал тенглиги принципи амал қилади. У Хўжалик процессуал кодексининг 55-моддасига асосланган ва ўз талаблари ҳамда эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни даъвогар ҳам, жавобгар ҳам албатта исботлашини тақозо этади. Кўриб чиқилган низода МЧЖ кўрсатилган хизматлар лозим даражада бажарилмаганлигини тасдиқлайдиган ёзма далилларни тақдим эта олмади, демак шартномада назарда тутилганидан камроқ ҳақ тўлашнинг қонунийлигини асослай олмади.

*Артём МОКШИН, «Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлимининг бошлиғи.*

ДИҚҚАТ!
"БЕРАТОР"нинг айрим харидорлари:
ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги, "Норма" МЧЖ, Lukoil Overseas Uzbekistan, Тошкент ш. ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Геоинформкадастр, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК (7 дона), "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК (8 дона), "Coscom" МЧЖ ҚК (9 дона), Бекобод металлургия комбинати (8 дона), Олмалиқ кон-металлургия комбинати (2 дона), "Oxygen", "Қизилқумцемент" (5 дона), Чкалов номидаги ТАИЧБ (4 дона), "Тексако", "Правда Востока".
«Академпресса»- тел./факс: 2410542, 2411410

ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАР
NORMA
иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт
Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилдими? Янги Солиқ кодекси чиқдими?? Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???
ҚЎЛ ОСТИНГИЗДА ҚЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ БЎЛСА, БУ МУАММО ЭМАС



"АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ"
1 жилд – 800 саҳифа – 500 дан ортиқ вазият ва мисоллар



"АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ"
2 жилд 800 саҳифадан – 1 000 дан ортиқ мисоллар ва амалий маслаҳатлар
12 ой давомида 6 та янгилаш
Тушунтиришлар
Шарҳлар
Тавсиялар
Қўшимча ахборот учун телефонлар:
244-89-17, 244-44-29, 232-18-80

# ДАМ ОЛИШНИ ХОҲЛАМАЙДИГАН ПЕНСИОНЕР



***Бугунги кунда ишлайдиган пенсионерлар кўп. Бироқ уларнинг ишга жойлашиш масаласи ходимларда ҳам, иш берувчиларда ҳам бир қатор саволларни туғдиради. Таҳририят почтасига ҳам шундай саволлар келиб туради.***

***Пенсионерларнинг меҳнатини тартибга соладиган асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Меҳнат кодекси ва Ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тартиби** (АВ томонидан 1995 йил 20 декабрда 198-сон билан рўйхатдан ўтказилган) **ҳисобланади.***

***? «Ишловчи пенсионер» мақоми улар оладиган пенсия миқдорига қандай таъсир қилади?***

– Ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тартибига **(бундан кейин Тартиб)** мувофиқ пенсиялар қуйидагиларга **тўлиқ ҳажмда** тўланади:

• Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва иштирокчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга) *(ҳужжатга 1 ва 2-иловалар);*

• Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаган шахсларга;

• I ва II гуруҳ ногиронларига;

• Чернобиль ҳалокатида жабр кўрганларга *(Тартибга 3-илова);*

• фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар раисларига *(1998 йил 1 майдан бошлаб);*

• ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлайдиган аёлларга, улар ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар ва ногирон болаларнинг интернат-уйлари ва «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячи, кутубхоначи сифатида ишни давом эттирган тақдирда ва пенсияга чиқишдан олдин ушбу мутахассисликлар бўйича камида 10 йиллик иш стажига эга бўлганда *(1999 йил 1 июлдан бошлаб);*

• Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишлайдиган пенсионер аёллар *(2004 йил 1 декабрдан бошлаб);*

• боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан оиланинг бошқа аъзолари (васийликка олинганлар) учун пенсия олаётган ишловчи фуқаролар (васийлар)га.

Қуйидагиларга **тайинланган пенсиянинг 50 фоизи** тўланади:

• боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан ўзи учун пенсия олаётган шахсларга, улар ишга кирган тақдирда;

• қолган ишлаётган барча пенсионерларга.

Пенсия тўланиши қонун билан белгиланган қуйидаги ҳолларда **тўхтатилиши** мумкин:

• «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони қисқариши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилиши муносабати билан ишдан бўшатилганлар кейин муддатидан олдин тайинланган пенсияларни олувчилар, улар умумбелгиланган пенсия ёшига (эркаклар – 60 ёш, аёллар – 55 ёш*) етгунича ишга кирган тақдирда;

• хизмат муддатини адо этганлик учун 1994 йил 1 июлгача (яъни «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун кучга киргунга қадар) пенсия тайинланган шахслар умумий ёки имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия ҳуқуқини олишдан аввал ишга жойлашганда.

***? Ишлаётган пенсионер пенсияни қаердан олиши керак?***

– Ижтимоий таъминот бўлимларида ҳисобда турган ва корхоналарда ишлаётган пенсионерларни, улар ишлаётган корхоналарнинг идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик шакллари, шунингдек ҳақ тўлаш шаклларидан қатъи назар, пенсия иш жойидан берилади. Агарда у ўриндошлик бўйича ҳам ишлаётган бўлса, пенсия **асосий иш жойидан** тўланади.

Боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан ўзи учун олаётган пенсия ҳам шахсларга **иш жойидан** тўланади. Боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан оиланинг бошқа аъзолари (васийликка олинганлар) учун пенсия олаётган ишловчи фуқаролар (васийлар)га эса у **уларнинг яшаш жойи бўйича** тўланади.

Хусусий (якка тартибдаги) тадбиркорлик билан шуғулланаётган шунингдек фермер (деҳқон) хўжаликларида ишлаётган пенсионерларга пенсия **уларнинг яшаш жойи бўйича ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан пенсиянинг 50 фоизи миқдорида тўланади.**

Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва Миллий хавфсизлик хизматида ҳисобда турган ишлаётган пенсионерларга пенсия **уларнинг ҳақиқатда яшаётган жойидаги Халқ банки муассасалари томонидан тўланади.**

***? Иш жойи бўйича пенсия тўлаш тартиби қандай?***

– Ишловчи пенсионерларга пенсия Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан, айрим ҳолларда эса – республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади. Уларни иш жойи бўйича тўлаш учун асос бўлиб **пенсионернинг яшаш жойидаги** ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бериладиган Ф-25 топшириқномаси ҳисобланади *(Тартибга 4-илова)* Мулкчилик ва хўжалик шаклларидан қатъи назар, барча корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари пенсионерлар ишга қабул қилинганда ҳақида 5 кунлик муддат ичида пенсияни тайинлаган ижтимоий таъминот, мудофаа, ички ишлар, МХХ органларини (пенсионерларнинг яшаш жойи бўйича) хабардор қилишлари ва ишга қабул қилгани ҳақидаги буйруқдан кўчирма тақдим этишлари шарт.

Қатъий ҳисоб бланкаси бўлган Ф-25 топшириқномасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

– вилоят, шаҳар, туман ва топшириқномани йўллаётган ижтимоий таъминот бўлимининг номи, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотнинг номи ва манзили;

– пенсионернинг исми, фамилияси, отасининг исми ва олаётган пенсия тури;

– пенсия миқдори ва у иш жойидан берилиши керак бўлган сана.

Расмийлаштирилган Ф-25 топшириқномаси туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими мудири ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади, шундан сўнг у махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади ва ташкилотнинг вакили ёки пенсионерга уларнинг имзоси остида берилади. Топшириқноманинг қолган устунлари у ишлайдиган корхона ёхуд муассаса маъмурияти ва ижтимоий суғурта комиссияси томонидан тўлдирилади. Пенсия қайта ҳисоб-китоб қилинганида ижтимоий таъминот бўлими топшириқноманинг орқа томонида унинг янги миқдори ҳақида ёзув киритади.

**Тугаган ой учун пенсия ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи билан бир вақтда берилади.** Пенсия алоҳида қайднома бўйича тўланади ва ундан солиқ олинмайди.

Пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтиш учун (масалан, ногиронликнинг III гуруҳидан II гуруҳига ўтказилиши муносабати билан ёки аксинча), шунингдек уни тўлаш шартлари ўзгарганида олдинги топшириқномага хабарнома қайтариладиган ижтимоий таъминот бўлими пенсияни иш жойидан беришга янги топшириқнома (Ф-25) беради.

Ишловчи пенсионерларга пенсия ўз вақтида ва тўғри тўланиши, шунингдек ижтимоий таъминот бўлимларига пенсионер ишга қабул қилингани ёхуд ишдан бўшатилгани ҳақидаги маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилиши учун **корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади** *(Тартибнинг 21-банди).* Бироқ пенсионер (боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан оиланинг бошқа аъзолари учун пенсия олаётган пенсионер бундан мустасно) ишга кираётганда бу ҳақда унга пенсия тайинлаган органни (ўзининг яшаш жойи бўйича) ҳам хабардор қилиши керак *(Тартибнинг 33-банди).*

## ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН САВОЛЛАР

***? Мен пенсионерман, бироқ меҳнат фаолиятимни давом эттирмоқдаман. Иш ҳақи ва пенсиянинг ярмини оламан. Бироқ соғлиғим ҳолатига кўра тўлиқсиз иш куни ишламоқчи эдим. Бу пенсиям миқдорига таъсир қиладими?***

– Йўқ, зеро ишлаётган пенсионерга пенсия, у тўлиқ ёки тўлиқсиз иш куни банд бўлишидан қатъи назар, 50 фоиз миқдорида тўланади *(Тартибнинг 28-банди).*

***? Ёшим 68 да, пенсия оламан. Бироқ якка тартибдаги тадбиркорлик – матбаа хизматлари кўрсатиш билан шуғулланмоқчиман. Шунда пенсия олишга ҳуқуқим бўладими? Агар бўлса, унинг миқдори қандай бўлади?***

– Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш сизга тайинланган пенсияни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди, бироқ уни 50 фоиз миқдорида, яшаш жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлимидан оласиз. Бунда қонунчиликка биноан *(Тартибнинг 26-банди)* якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи пенсионерлар ўзларининг меҳнат фаолиятлари ҳақида уларга пенсия тайинлаган органларга хабар қилишлари шарт. Бундан ташқари, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган юридик шахсни ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаб борадилар *(Солиқ кодекси 311-моддасининг иккинчи қисми).*

***? Мен ишловчи пенсионерман. Бошқа ташкилотга ишга ўтмоқчиман. Ижтимоий таъминот бўлими берадиган топшириқномани нима қилай?***

– Бу ҳолда сиз ишдан бўшаган ташкилот пенсия тўлашни тўхтатади ва ижтимоий таъминот бўлимига пенсия қайси муддатга қадар тўланганини кўрсатган ҳолда топшириқномага хабарнома юборади. Сиз ишга кирган фирма эса ижтимоий таъминот бўлимидан янги топшириқнома олишни талаб қилиши керак, зеро пенсионер янги ишга кирганда янги топшириқнома берилади *(Тартибнинг 16-банди).*

***? Мен фермер хўжалигида ишлайман. Яқинда пенсия ёшига етаман, бироқ ишимдан кетмоқчи эмасман. Амалга ошириладиган фаолиятим пенсия миқдорига таъсир этадими?***

– Ҳа, фермер хўжалигидаги иш фаолиятингиз давомида даромад олишда давом этганингизда сизга ҳисобланган ва яшаш жойингиздан оладиган пенсиянинг 50 фоизигина берилади.

***? Пенсионерни ишга қабул қилишдан бош тортиш мумкинми? Қонунчиликда пенсионерларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини тақиқлайдиган бирор-бир чекловлар мавжудми?***

– Меҳнат кодекси 57-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Шу тариқа, киши пенсияга чиққанлиги далилининг ўзи пенсионерни ишга қабул қилишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Ходимларнинг ишга лаёқати, шунингдек бошқа шахсларнинг меҳнат натижаларидан фойдаланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор меҳнат қилиш ҳуқуқига чекловлар мавжуд. Чунончи, 65 ёшга тўлган учувчилар таркибидаги мутахассисларга фуқаролик ва экспериментал авиацияда учишларни амалга оширишга рухсат берилмайди *(Дававианазорат бошлиғининг АВ томонидан 2004 йил 7 майда 1349-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» авиация қоидаларининг 4-параграфи).* Шу сабабдан ҳам сиз пенсия мақомига эгалиги учунгина пенсионерни ишга қабул қилишдан бош тортишингиз мумкин эмас. Бироқ агар пенсионернинг соғлиғи, касбга доир сифатлари ушбу меҳнат тури талабларига жавоб бермаса, у ҳолда уни, шу жумладан бошқа шахсларни ҳам ишга қабул қилишдан бош тортиш қонуний бўлади.

***? Пенсионерни ишдан бўшатиш ва унга пенсия тўлашни тўхтатишни қандай қилиб тўғри расмийлаштирса бўлади?***

– Пенсионерни ишдан бўшатиш оддий тартибда амалга оширилади: унинг аризаси, бўшатиш тўғрисидаги буйруқ, меҳнат дафтарчасини бериш ва ҳоказо. Унга пенсия тўлаш уни ишдан бўшатиш пайтидан бошлаб тўхтатилади. Бунда ташкилот ижтимоий таъминот бўлимига пенсия қайси муддатга қадар тўланганини кўрсатган ҳолда топшириқномага хабарнома юборади *(Тартибнинг 16-банди).* Бухгалтерия шуни ҳам назарда тутиши керакки, ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун ушланмалар амалга оширилмайди *(Меҳнат кодексининг 164-моддаси).*

***? Пенсионер ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномасини узайтиришда пенсияни қайта ҳисоб-китоб қилиш лозимми?***

– Тартибнинг 31-бандига мувофиқ календарь йил мобайнида икки ойгача бўлган муддат давомида меҳнат шартномаси бўйича вақтинча ишлаган пенсионерларга пенсия уларнинг яшаш жойидан тўлиқ миқдорда тўланади *(Тартибнинг 31-банди).* Бунда пенсионер мазкур ойларда тўхтовсиз ёки орада танаффус билан ишлаганлигининг аҳамияти йўқ. Меҳнат шартномаси (контракт) муддати узайтирилган тақдирда ёки пенсионер ҳақиқатда икки ойдан ошиқ ишлаганда пенсия умумий асосларда тўланади. Уни қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳақида Тартибда ҳеч нарса дейилмаган. Амалда эса пенсионер икки ойга тузилган муддатли меҳнат шартномаси бўйича ишлаган даври учун тўлиқ ҳажмда олган пенсияси, жорий календарь йилда у бошқа ҳеч қаерда ишламаганлиги шарти билан, шунингдек шартнома узайтирилганда қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Бироқ келгусида пенсия 50%га қисқартирилиб, энди яшаш жойидан эмас, балки иш жойидан берилади.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-1-моддасига мувофиқ камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (модда 1999 йил 14 апрелдаги «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги 760-I-сон Қонунга мувофиқ киритилган).*

*** Агар шахс ишга кираётган пайтда пенсия олиш ҳуқуқига эга шахслар тоифасига кирмаса, пенсия тўлиқ ҳажмда тўланади (юқорига қаранг).*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-111-сонли Қонуни)»;

– «Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида».

- **ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА («ТОВАР БЕЛГИЛАРИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИЛАРИ ВА ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙ НОМЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2007 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРДАГИ ЎРҚ–111-СОНЛИ ҚОНУНИ)

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 19-сон, 160-модда)*

«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ–111-сонли Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 7 май*
*89-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 7 майдаги 89-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 32-модда; 2006 й., 4-сон, 26-модда):

1) 2-иловада:

8-банднинг олтинчи хатбошидаги «реестрларини» сўзидан кейин «ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини» сўзлари қўшилсин;

16-банднинг биринчи хатбошидаги «апелляцияларни» сўзидан кейин «шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни» сўзлари қўшилсин;

2) 3-илова 6-бандининг биринчи хатбошидаги «Ҳисобот даврида» сўзларидан кейин «юридик аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракатлар учун» сўзлари қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 55-модда; 2006 й., 4-сон, 26-модда) 1-иловада:

1) 4-бандда:

а) «г» кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгининг халқаро рўйхатдан ўтказилишининг амал қилиши;

товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товарнинг келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғриси-

даги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) «ж» кичик банди чиқариб ташлансин;

в) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Апелляция кенгаши Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади (кейинги ўринларда «ариза» деб аталади)»;

2) 5-банддаги «апелляция», «апелляцияни» сўзларидан кейин тегишли равишда «ёки ариза», «ёки аризани» сўзлари қўшилсин;

3) 10 ва 12-бандлардаги «апелляция» сўзидан кейин «ёки ариза» сўзлари қўшилсин;

4) 13-банддаги «апелляциялар» сўзидан кейин «ёки аризалар» сўзлари қўшилсин;

5) 14 ва 16-бандлардаги «апелляцияларни» сўзидан кейин «ёки аризаларни» сўзлари қўшилсин;

6) 15-банддаги «апелляция» сўзидан кейин «ёки ариза» сўзлари қўшилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари тўғрисидаги низомни ва Патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 26-модда) 2-иловада:

1) 1-бўлимда:

а) «Божнинг вазифаси» устунидаги 1.3-кичик бўлимнинг 1.3.3-бандидан «олдиндан бериладиган патентлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) «Божнинг вазифаси» устунидаги 1.4-кичик бўлимнинг 1.4.4-бандидан «олдиндан бериладиган патентнинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

2) 3-бўлимда:

а) «Божнинг вазифаси» устунидаги 3.2-кичик бўлимнинг 3.2.1-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатидаги товар белгисини киритиш»;

б) «Божнинг вазифаси» устунида 3.2-кичик бўлимнинг 3.2.2-бандига «ҳаммага маълум товар белгиларига тегишли маълумотлар» сўзлари қўшилсин;

в) «Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари» устунининг 3.2-кичик бўлимидаги «Экспертиза қарори» сўзларидан кейин «ёки Апелляция кенгашининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги қарори» сўзлари қўшилсин;

г) «Божнинг вазифаси» устунидаги 3.3-кичик бўлимнинг 3.3.3-бандидаги «ҳуқуқига» сўзи «ҳуқуқи тўғрисидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) «Божнинг вазифаси» устунидаги 3.5-кичик бўлимнинг 3.5.2-бандидаги «ҳуқуқига» сўзи «ҳуқуқи тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

3) 6-бўлимда:

а) бўлимнинг номидаги «Апелляцияларни» сўзидан кейин «ва аризаларни» сўзлари қўшилсин;

б) «Божнинг вазифаси» устунининг 6.3-кичик бўлимига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлигига қарши апелляциялар»;

иккинчи-учинчи хатбоши тегишли равишда учинчи-тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) «Божнинг вазифаси» ва «Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари» устунларидаги ва 6.5-кичик бўлимнинг номидаги «апелляциялар» сўзи «аризалар» сўзи билан алмаштирилсин.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# МЕЛИОРАЦИЯ ВА БОШҚА СУВ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 19-сон, 162-модда)*

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг минтақаларда 1-иловага* мувофиқ мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Давлат унитар корхонасининг намунавий тузилмаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар янгидан ташкил этилаётган, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхонасининг асосий мезонлари этиб белгилансин:

устав фондининг энг кам миқдори — 450,0 млн сўм;

молиявий барқарорлик ва камида 200,0 млн. сўм миқдорида бўш айланма маблағларнинг мавжуд бўлиши;

бажариладиган ишлар таннархини замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ҳисобига камайтириш;

мелиорация ва бошқа сув хўжалиги тадбирларини сифатли ва ўз вақтида бажариш;

соҳа бўйича олий маълумотга ва мелиоратив объектларни қуриш ҳамда улардан фойдаланишда камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлган раҳбарлик (шу жумладан раҳбар) ва муҳандислик-техник ходимлар, бош мутахассисларга эга бўлиш. Юқорида кўрсатиб ўтилган ходимлар корхонадаги муҳандислик-техник ходимлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши керак;

зарур миқдордаги мелиоратив техника, машиналар, механизмлар ва транспортга эга бўлган техника паркининг мавжуд бўлиши.

4. Белгилаб қўйилсинки:

янгидан ташкил этилаётган мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхонасининг устав фонди 2008 йил охиригача шакллантирилиши керак;

асосий хўжалик фаолиятидан олинган соф фойда белгиланган тартибда корхонанинг устав фондини тўлдиришга ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади;

янгидан ташкил этилаётган давлат унитар корхонаси тузилган контрактда назарда тутилган ишлар ҳажмининг

---

* 1, 3-6-иловалар келтирилмайди.

** 2-илова «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди.

камида 60 фоизини ўз кучи билан бажариши керак.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги давлат унитар корхоналарига уларнинг муассислари томонидан 3-иловадаги* рўйхатга мувофиқ мелиоратив техника, машина ва механизмлар ҳамда бошқа асосий фондларнинг белгиланган тартибда берилишини таъминласин.

6. Қуйидагилар:

2008 йилда «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан харид қилинадиган ва лизинг асосида давлат унитар корхоналарига бериладиган мелиоратив техника, машина-механизмлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

2008 йилда Хитой Халқ Республикасининг кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинадиган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Марказий Фарғонанинг ҳайдаладиган ерлари мелиоратив тармоқларини яхшилаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 14 февралдаги ПҚ–794-сон қарорига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 мартдаги 155–ф-сон фармойишига биноан давлат унитар корхоналарига бериладиган мелиоратив техника рўйхати 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари лизинг компаниялари ҳамда тижорат банклари билан биргаликда мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган корхоналар учун 6-иловага* мувофиқ мелиоратив техниканинг лизинг асосида қўшимча равишда сотиб олинишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда белгиланган тартибда:

янгидан ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарини бинолар ва зарур ишлаб чиқариш базалари билан таъминласин;

янгидан ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарининг уставларини тасдиқласин;

янгидан ташкил этилган давлат унитар корхоналарининг мелиорация тадбирлари бўйича танлов (тендер) савдоларида қатнашиши юзасидан доимий назорат ва мониторингни таъминласин;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига янгидан ташкил этилган давлат унитар корхоналари фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари зиммасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 7 май*
*92-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,*
*МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,*
*ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ,*
*ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА ИМПОРТ БОЖХОНА БОЖИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 3 майда 1802-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 19-сон, 163-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сон Фармонининг 5-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 11-сон, 96-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг келгусидаги чоралари тўғрисида»ги 2008 йил 27 мартдаги ПҚ–823-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг кучга кириш кунидан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 30 мартдаги 2-5/21, 34, ЭГ-01/10-1702, 01-02/8-10-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор (2007 йил 31 март, рўйхат рақами 1669 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 149-модда);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 29 февралдаги 40, 16, ЭГ-01/19-862, 01-02/8-18-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарор (2008 йил 4 март, рўйхат рақами 1669-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 10-11-сон, 65-модда);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси 2008 йил 24 мартдаги 42, 25, НН-01/10-1620, 01-02/8-26-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарор (2008 йил 26 март, рўйхат рақами 1669-2 — Ўзбекистон

***2008 йил 13 майдан кучга киради.**

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 12-13-сон, 82-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Иқтисодиёт вазири***
***Б.ХОДЖАЕВ.***
*52-сон*

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*46-сон*

***Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири***
***Э.ГАНИЕВ.***
*ЭГ-01/19-2784-сон*

***Давлат божхона қўмитаси раиси***
***С.НОСИРОВ.***
*01-02/8-38-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 2 май.*

*Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 2 майдаги 52, 46, ЭГ-01/19-2784, 01-02/8-38-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА ИМПОРТ БОЖХОНА БОЖИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР РЎЙХАТИ*

| Т/р | ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини | Товарнинг қисқача номланиши |
|---|---|---|
| 1. | 7304 11 900, 7305 11 000, 7305 12 000, 7305 19 000 0, 7306 11 900 0 | Нефть ва газ қувурлари |
| 2. | 7304 22 000, 7304 23 000, 7304 24, 7304 29 | Нефть ёки газ конларини бурғулаш учун айланма, насос/компрессор ва бурғулаш қувурлари |
| 3. | 8401 | Ядровий реакторлар; …изотопларни ажратиш учун жиҳозлар ва мосламалар |
| 4. | 8402 | Буғ ёки бошқа буғ ишлаб чиқарувчи қозонлар; … буғни қайта иситувчи сув қозонлари |
| 5. | 8403 (8403 10 900 0 дан ташқари) | Марказий иситиш қозонлари, 8402 товар позициясидаги қозонлардан ташқари |
| 6. | 8404 | 8402 ёки 8403 товар позицияли қозонларда фойдаланиладиган қўшимча жиҳозлар…, буғли-сув ёки бошқа кучланишли мосламалар учун конденсаторлар |
| 7. | 8405 | Газогенераторлар ёки тозалаш мосламаси бор сувли газ генераторлари… |
| 8. | 8406 | Сув буғидаги турбиналар ва бошқа буғли турбиналар |
| 9. | 8410 | Гидротурбиналар, сув ғилдираклари ва уларнинг регуляторлари |
| 10. | 8412 | Двигателлар ва бошқа кучланишли мосламалар |
| 11. | 8413 40 000 0 — 8413 91 000 (8413 70 210 0, 8413 70 290 0, 8413 70 810 0, 8413 70 890 0 дан ташқари) | Ёқилғи насослари, мойли ёки ички ёниш двигателларига совутувчи суюқлик қуйиш учун, насос қисмлари…, |
| 12. | 8414 (8414 20, 8414 51 000, 8414 60 000 0 дан ташқари) | Ҳаво ва вакуум насослари... |
| 13. | 8415 81 001 0 | Саноат кондиционерлари… |
| 14. | 8417 | Горнлар ва саноат ёки лаборатория ўчоқлари… |
| 15. | 8418 61 00 — 8418 69 000 | Бошқа совутиш ва музлатиш жиҳозлари; иссиқлик насослари |
| 16. | 8419 | Машиналар, электр ва электрсиз исийдиган саноат ва лаборатория жиҳозлари...ҳарорат ўзгариши билан боғлиқ жараёнда материалларга ишлов бериш учун. |
| 17. | 8420 | Каландарлар ва бошқа валкали машиналар… |
| 18. | 8421 (маиший сув фильтрларидан ташқари) | Центрифугалар, шу жумладан марказдан қочувчи қуритгичлар; суюқлик ва газларни фильтрация қилиш ёки тозалаш учун жиҳозлар ва мосламалар |
| 19. | 8422 20 000, 8422 30 000, 8422 40 000, 8422 90 (ТИФ ТН коди 8422 11 000 0, 8422 19 000 0 бўлган жиҳозлар учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлардан ташқари) | Шишалар ёки бошқа идишларни ювиш ва қуритиш жиҳозлари; шишаларни, банкаларни тўлдириш, тиқинлаш, яшикларни ёпиш учун мўлжалланган жиҳозлар; ўраш ва жойлаш жиҳозлари...ва уларнинг қисмлари |

| Т/р | ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини | Товарнинг қисқача номланиши |
|---|---|---|
| 20. | 8423 (8423 10, 8423 81 500 0, 8423 90000 дан ташқари) | ...товарларни тортиш учун жиҳозлар, шу жумладан, тортилаётган юк вазни билан ҳаракатга келтириладиган ҳисоблаш ёки назорат машиналари… |
| 21. | 842430 | Пурковчи ёки сочувчи машиналар ва шунга ўхшаш супуриш мосламалари |
| 22. | 8424 89 000 9 (саноатда товар ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш учун) | Суюқли ёки кукунни тарқатиш, отиш, майда заррачаларга айлантириш ....учун механик мосламалар (қўл бошқаруви ёки бошқарувисиз) (саноатда фойдаланиш учун), бошқалар.. |
| 23. | 8425 (8425 49 000 0 дан ва автомобиллар учун кўчирма домкратлардан ташқари) | Юк кўтаргич талилар ва кўтаргичлар…, лебедкалар ва кабестанлар; домкратлар |
| 24. | 8426 | Кема деррик-кранлар; кўтариш кранлари…, юк кўтариш крани билан жиҳозланган аравачалар |
| 25. | 8427 | Паншаҳасимон илгакли ортгичлар; юк кўтаргич ёки юк ортиш/тушуриш мосламалари билан жиҳозланган юк ортгичлар |
| 26. | 8428 (фуқаролик қурилишида ишлатиладиган лифтлардан ташқари) | Кўтариш, силжитиш, ортиш ва тушириш машиналари ва мосламалар... бошқалар |
| 27. | 8429 | Бурилмайдиган ва буриладиган ағдаргичли бульдозерлар, грейдерлар, тархлагичлар…, ўзиюрар йўл катоклари |
| 28. | 8430 | Тархни кўчириш, тупроқни зичлаш, чуқурлаштириш ёки бурғулаш машиналари ва бошқа механизмлар,…; қозиқоёқларни қоқиш ва чиқариш учун жиҳозлар; плугли ва роторли қор тозалагичлар |
| 29. | 8433 (8433 11, 8433 19, 8433 20, 8433 53 100 0 дан ташқари) | Қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиш ёки янчиш учун машиналар ва механизмлар, шу жумладан пресс-йиғувчилар... |
| 30. | 8434 | Соғиш мосламалари ва аппаратлари, сутга ишлов бериш ва сутни қайта ишлаш жиҳозлари |
| 31. | 8435 | Виночилик, сидр, мева шарбатлари ёки шунга ўхшаш ичимликларни ишлаб чиқариш учун пресслар, майдалагичлар ва шу каби машиналар |
| 32. | 8436 (8436 91 000 0, 8436 99 000 0 дан ташқари) | Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, ўрмон хўжалиги, паррандачилик ёки асаларичилик учун бошқа жиҳозлар… |
| 33. | 8437 | Уруғ, дон ёки қуруқ дуккакли экинларни тозалаш, навларга ажратиш ёки туксизлантириш машиналари; ун тортиш саноатига оид жиҳозлар... |
| 34. | 8438 | Озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ичимликларни…, мол ёғи ёки учувчан бўлмаган мойларни экстрагирлаш; ёки саноат йўли билан тайёрлаш учун жиҳозлар |
| 35. | 8439 (8439 99 дан ташқари) | Толали целлюлоза материалларидан масса тайёрлаш ёки қоғоз ёки картонга ишлов бериш учун жиҳозлар |
| 36. | 8440 | Муқовалаш учун жиҳозлар, шу жумладан китоб блокларини тикиш учун жиҳозлар |
| 37. | 8441 | Қоғоз массаси, қоғоз ёки картондан маҳсулот ишлаб чиқариш учун жиҳозлар, шу жумладан барча турдаги кесиш машиналари ва бошқалар |
| 38. | 8442 (8442 50 дан ташқари) | Босма блокларни тайёрлаш ёки ясаш учун шрифт қуйиш ёки шрифт териш машиналари, аппаратура ва жиҳозлар |
| 39. | 8443 (8443 31 — 8443 99 дан ташқари) | Босма машиналар…, босиб чиқариш жараёнида қўлланиладиган қўшимча машиналар |
| 40. | 8444 00 | Сунъий тўқимачилик материалларини экструдирлаш, чўзиш, текстурлаш ёки кесиш учун машиналар |
| 41. | 8445 | Тўқимачилик толаларини тайёрлаш учун машиналар …, тўқимачилик калавасини тўқиш, эшиш ёки чийириш машиналари ва бошқа жиҳозлар … |
| 42. | 8446 | Тўқимачилик дастгоҳлари |
| 43. | 8447 | Трикотаж, тўқиш-тикиш машиналари…, тафтинг машиналар |
| 44. | 8448 | 8444, 8445, 8446 ёки 8447 товар позицияли машиналардан фойдаланиш учун қўшимча жиҳозлар … |
| 45. | 8449 00 000 0 | Намат, фетр, парча ёки бичиш пайтидаги нотўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш ёки ишлов бериш; … шляпалар ясаш учун қолиплар |
| 46. | 8451 | Ювиш, тозалаш, сиқиш, қуритиш, дазмоллаш, пресслаш ..., оқартириш, бўяш, аппретирлаш, безаш, калава, матолар ёки тайёр тўқимачилик маҳсулотларини қоплаш ёки шимдириш учун жиҳозлар … |
| 47. | 8452 21 000 0, 8452 29 000 0 | Тикув машиналари … |
| 48. | 8453 | Тери ёки пўстин тайёрлаш, ошлаш ёки ишлов бериш учун ёки пойабзал ясаш ёки таъмирлаш учун жиҳозлар … |

| Т/р | ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини | Товарнинг қисқача номланиши |
|---|---|---|
| 49. | 8454 | Металлсозлик ёки қуймачилик саноатида ишлатиладиган конвертерлар, қуйиш ковши, изложницалар ва қуйиш машиналари |
| 50. | 8455 | Прокат дастгоҳлари ва улар учун валкалар |
| 51. | 8456 | Лазер нури ёки бошқа ёруғлик ёки фотон нури ёрдамида олиб ташлаш йўли билан ҳар қандай материалларга ишлов бериш учун дастгоҳлар … |
| 52. | 8457 | Металлга ишлов бериш учун ишлов бериш марказлари, бир позицияли ва кўп позицияли агрегат дастгоҳлари |
| 53. | 8458 | Токарлик … металл кесувчи дастгоҳлар |
| 54. | 8459 | Металл кесувчи … ташқи ва ички резьбани пармалаш, йўниб кенгайтириш, фрезировка қилиш учун дастгоҳлар … |
| 55. | 8460 | Дағал ишлов бериш-силлиқлаш, йўниб кенгайтириш, силлиқлаш, хонинглаш, махсус ишлов бериш, полировка қилиш дастгоҳлари… |
| 56. | 8461 | Бўйламасига ишлов бериш, ёнламасига ишлов бериш, узайтириш дастгоҳлари… |
| 57. | 8462 | Металларга буртма қолиплаш, болғалаш ёки қолиплаш орқали ишлов бериш учун … дастгоҳлар |
| 58. | 8463 | Металларга ёки металлокерамикага металлни олиб ташлашсиз ишлов бериш дастгоҳлари … |
| 59. | 8464 | Тош, сопол, бетонга ишлов бериш учун дастгоҳлар … |
| 60. | 8465 | Ёғоч, пўкак, суяк, эбонит қаттиқ пластмасса ёки шунга ўхшаш қаттиқ материалларга ишлов бериш учун … дастгоҳлар |
| 61. | 8468 | Паст ҳароратли кавшарлаш, юқори ҳароратли кавшарлаш ёки пайвандлаш учун жиҳозлар ва аппаратлар … |
| 62. | 8474 | Тупроқ, тош, рудаларни ... турларга ажратиш, ғалвирдан ўтказиш, сепарация қилиш, ювиш учун жиҳозлар… |
| 63. | 8475 | Электр ёки электрон лампалар, трубкалар ёки электрон-нурли трубкаларни йиғиш учун машиналар … |
| 64. | 8477 | Резина ёки пластмассага ишлов бериш ёки шу материаллардан маҳсулот ишлаб чиқариш учун жиҳозлар … |
| 65. | 8478 | Тамаки тайёрлаш ва ясаш учун машиналар … |
| 66. | 8479 (8479 10 000 0, 8479 89 970 1, 8479 90 дан ташқари) | Индивидуал функцияларга эга машиналар ва механик мосламалар … |
| 67. | 8504 (8504 21 000 0, 8504 22 100 0, 8504 22 900 0, 8504 33 000 0, 8504 34 000 0 дан ташқари) | Электр, статик трансформаторлар … |
| 68. | 8514 | Саноат ёки лаборатория электр ўчоқлари ва камералари … |
| 69. | 8515 (8515 80 110 0 дан ташқари) | Электр, лазер ёки бошқа ёруғлик ёки фотон ёрдамида …паст ҳароратли кавшарлаш ёки юқори ҳароратли кавшарлаш ёки пайвандлаш учун машиналар ва аппаратлар |
| 70. | 8525 (8525 80 дан ташқари) | Радиотелефон, радиотелеграф алоқа, радиоэшиттириш ёки телевидение учун узатиш аппаратураси … |
| 71. | 8526 | Радиолокациявий, радионавигациявий аппаратура ва масофали бошқариш учун радиоаппаратура |
| 72. | 8530 10 000 0 | Темир йўл ёки трамвай йўллари учун жиҳозлар |
| 73. | 8543 (8543 70 900 дан ташқари) | Ушбу гуруҳнинг бошқа жойида номи келтирилмаган ёки унга киритилмаган индивидуал функцияларга эга электр машиналар ва аппаратура |
| 74. | 8601 | Ташқи электр манбаидан ёки аккумулятор манбаидан фойдаланиладиган темир йўл локомотивлари |
| 75. | 8602 | Темир йўл локомотивлари; локомотив тендерлари |
| 76. | 8604 00 000 0 (фақат темир йўллар учун) | Темир йўлларга ремонт ёки техник ёрдам учун мўлжалланган ўзи юрар ва ўзи юрмайдиган транспорт воситалари (масалан, мастер вагонлар, кранлар, шпал терадиган машиналар, назорат ўлчагичли вагонлар ва йўлларни назорат қилувчи транспорт воситалари) |
| 77. | 8605 00 000 0 (фақат темир йўллар учун) | Темир йўл вагонлари, ўзи юрмайдиган йўловчи, багаж, почта вагонлари ва бошқа ўзи юрмайдиган махсус темир йўл вагонлари (8604 товар позициясига кирадиганлардан ташқари) |
| 78. | 8606 (фақат темир йўллар учун) | Темир йўл вагонлари, ўзи юрмайдиган юк вагонлари |
| 79. | 8701 30 900 0 | бошқа гусеницали тракторлар |
| 80. | 8702 — ҳайдовчи билан бирга 30 ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган, Евро 2 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган автобуслар | Ҳайдовчи билан бирга 30 киши ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган моторли транспорт воситалари |
| 81. | 8704 10, 8704 21 100 0, 8704 22 100 0, 8704 23 100 0, 8704 23 910 0, 8704 31 100 0, 8704 32 100 0, 8705 Евро 2 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган | Юк ташиш ва махсус мақсадларга мўлжалланган моторли транспорт воситалари |

| Т/р | ТИФ ТН коди 2007 йил тахмини | Товарнинг қисқача номланиши |
|---|---|---|
| 82. | 8709 | Заводлар, омборлар, бандаргоҳлар ёки аэропортларда юкларни қисқа масофаларга ташишда фойдаланиладиган саноат мақсадларига мўлжалланган, ўзиюрар, кўтариш ёки юк ортиш мосламалари билан жиҳозланмаган транспорт воситалари |
| 83. | 8716 39 300 1** (фақат «Ўзавтосаноат» жамиятининг корхоналари учун) | Умумий оғирлиги 15 тоннадан ортиқ ва узунлиги 13,6 метрдан кам бўлмаган бошқа янги автомобиль полуприцеплари |
| 84. | 8905 10 900 0 | Бошқа ер қазийдиган тўп мосламалар |
| 85. | 9018 | Тиббиётда, жарроҳликда қўлланиладиган асбоблар ва мосламалар … |
| 86. | 9022 19 000 0, 9022 29 000 0 (саноатда фойдаланиш учун) | Рентген, альфа-, бета- ёки гамма нурларидан фойдаланишга асосланган аппаратура … бошқалар |
| 87. | 9024 | Қаттиқлик, пишиқлик, сиқилиш, қайишқоқлик ёки бошқа механик хусусиятлар ва материалларни синаб кўриш учун машиналар ва мосламалар … |
| 88. | 9025 | Суюқликка чўктириш пайтида амал қилувчи ареометрлар ва бошқа шунга ўхшаш асбоблар … |
| 89. | 9026 | Суюқлик ва газларнинг сарфланиши, даражаси, босими ва бошқа ўзгарувчан характеристикаларини ўлчаш учун асбоблар ва аппаратура … |
| 90. | 9027 | Физикавий ва кимёвий таҳлил учун асбоблар ва аппаратура … |
| 91. | 9030 | Осциллоскоплар, спектрометрлар, электр ҳажмини ўлчаш ва назорат қилиш учун бошқа асбоблар ва аппаратура … |
| 92. | 9031 | Ўлчов ёки назорат асбоблари, мосламалар ва машиналар … |
| 93. | 9032 | Автоматик регулировка ва бошқарув учун асбоблар ва мосламалар |

** Импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлови бўйича имтиёзлар янги технологик ускуналарга қўлланилади ҳамда бутловчи ва эҳтиёт қисмларга, агарда улар контрактга (шартномага) мувофиқ технологик жиҳозлар билан бирга ажралмас қисми сифатида етказиб берилган тақдирда татбиқ қилинади.*

*Янги технологик ускуна деганда — эркин муомалага чиқариш божхона режимида божхона расмийлаштируви вақтида, уни ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан кўп бўлмаган технологик ускуна тушунилади.*

*** Фақат «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси корхоналарининг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун (бегоналаштирмаслик шарти билан) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган миқдорда.*

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ, ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# УСТАВ КАПИТАЛИ 500 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ БЎЛГАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ФОНД БИРЖАСИДА МАЖБУРИЙ ЛИСТИНГГА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 1 майда 1801-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 18-сон, 152-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори К. ТОЛИПОВ.***
*2008-06-сон*

***Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси Д.МУСАЕВ.***
*01/ЦККФРЦБ-18/02-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 2 апрель.*

---

***2008 йил 11 майдан кучга киради.**

*Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 2 апрелдаги 2008-06, 01/ЦККФРЦБ-18/02-сон қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

# УСТАВ КАПИТАЛИ 500 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ БЎЛГАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ФОНД БИРЖАСИДА МАЖБУРИЙ ЛИСТИНГГА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–475-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда) мувофиқ, устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартибини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**листинг** — акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини расмий биржа ахборотномасига киритган ҳолда, фонд биржаси савдоларига қўйиш тартиботи;

**биржа савдоси қоидалари** — қонун ҳужжатларига мувофиқ, фонд биржасининг юқори бошқарув органи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган биржаларда қимматли қоғозлар билан савдо қилиш қоидалари;

**ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази;

**фонд биржаси** — белгиланган қоидалар асосида олдиндан белгиланган жойда ва вақтда, оммавий ва ёрқин биржа савдоларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш орқали қимматли қоғозлар билан савдолар учун шароитлар яратувчи юридик шахс;

**Марказий депозитарий** — Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси.

2. Мазкур Низом ёпиқ акциядорлик жамиятларига ҳамда тижорат банкларига татбиқ қилинмайди.

3. Биржа листингини ўтказиш тартиби фонд биржасининг биржа савдоси қоидалари билан белгиланади.

4. Фонд биржасининг расмий листингига киритилган қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича битишувлар фақат ушбу фонд биржасининг савдо майдонларида амалга оширилади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## II. МАЖБУРИЙ ЛИСТИНГГА ҚЎЙИШ ТАОМИЛИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ

5. Листингга қўйиш таомилидан мажбурий ўтиш фонд биржасининг биржа савдоси қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Фонд биржасида листингга қўйиш таомилидан:

устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган;

500 ва ундан зиёд акциядорларга эга бўлган;

молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари листингга қўйиш талабларига мувофиқ келадиган акциядорлик жамиятлари мажбурий ўтадилар.

7. Мажбурий листингга қўйиш тааллуқли бўлган акциядорлик жамиятларининг йиллик рўйхатини аниқлаш мақсадида:

Марказий депозитарий ҳар йилнинг 15 мартидан кечиктирмасдан, устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган ва акциядорлари 500 ва ундан зиёд бўлган акциядорлик жамиятларининг рўйхатини фонд биржасига тақдим этади;

Фонд биржаси Марказий депозитарийдан рўйхатини олгандан сўнг 10 иш куни ичида, листингга қўйиш таомиллари учун молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ҳисоблашни ўтказиш тўғрисида рўйхатдаги акциядорлик жамиятларини ёзма равишда хабардор қилади.

8. Акциядорлик жамияти мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда, фонд биржаси акциядорлик жамиятини фонд биржасининг биржа савдоси қоидаларида белгиланган тартибда расмий биржа ахборотномасига киритади.

9. Мажбурий листингга қўйиш тааллуқли бўлмаган акциядорлик жамиятлари, фонд биржасининг биржа савдоси қоидаларида назарда тутилган тартибда листингга қўйиш таомилидан ўтишга ҳақлидирлар.

10. Молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ҳисоблаш методикаси ҳамда уларнинг листингга қўйиш мақсадларидаги меъёрий аҳамияти фонд биржаси томонидан тасдиқланади.

11. Фонд биржаси манфаатдор шахсларнинг молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ҳисоблаш методикаси, фонд биржаси қоидалари, шунингдек, бошқа ҳужжатлар ҳамда ахборотлардан фойдалана олишларини таъминлаши шарт.

12. Молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ҳисоблаш акциядорлик жамиятининг аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида амалга оширилади.

13. Фонд биржаси томонидан тасдиқланган методикага мувофиқ, молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ҳисоблашни 15 июндан кечиктирмасдан акциядорлик жамиятининг ўзи ёхуд мазкур акциядорлик жамияти билан тузилган тегишли шартнома асосида фонд биржаси томонидан амалга оширилади.

## III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назоратни ваколатли давлат органи амалга оширади.

15. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

16. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилди.

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.***
***Б.УЛАШОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 28 март.*

*Инвестициялар*

# АКЦИЯЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

## АКЦИЯ БОЙИШ МАНБАИМИ?

> Бадавлат дадамдан: «Ўрта даражадаги инвесторга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?» деб сўраганимда у: «Ўрта даражада қолиб кетмагин», – деб жавоб берди.
>
> *Роберт Кийосаки*[1]

***Бойишни хоҳлайсанми – инвестиция кирит. Инвестиция киритмоқчимисан – пул топ. Энг кўп унум билан ишлайдиган инвесторлар деярли ҳеч қачон ўз капиталларини хусусий тарзда қўймайдилар, бироқ муайян даражадаги барқарор даромадларни қўлга киритиш имконини берадиган бизнесни яратиб, кейингина улар ҳисобига кўчмас мулк ёки бошқа компанияларнинг акцияларини ёрдамида қўлга киритадилар. Бунда кўчмас мулкка узоқ муддатли инвестиция киритиш истиқболли бўлса-да, акциялар масаласи мушкулроқ. Қандай компанияларнинг қайси акцияларини қайси пайтда сотиб олиш керак деган оддийгина саволга жавоб олиш ҳам пул туради. Бу – ишлаб топилган ёки қайтиб олиб бўлмайдиган даражада қўлдан кетган пуллар, демак.***



**Искандар АБДУРАҲМОНОВ, мустақил баҳоловчи, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти бошқаруви аъзоси:**

– Кишилар акцияларни харид қиладилар, чунки бу нарса даромад олиш мақсадида ўз пул маблағларини фойдали инвестициялаш бўлиши мумкин. Бунда, одатда, инвестор биринчи навбатда ушбу қимматли қоғозларнинг жорий ва бўлғуси ликвидлиги ҳамда бўлғуси дивидендларнинг миқдори билан қизиқади: улар етарлича узоқ давр мобайнида барқарор даромад келтирадими, уларнинг нархи яқин келажакда тушиб кетмайдими?

Етарлича ресурсларга эга бўлган баъзи инвесторлар, ушбу акцияларга эгалик қилишдан даромадлар олиш билан бир қаторда корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш мақсадида, аниқ корхона – эмитент чиқарган акциялар умумий миқдорининг анчагина қисмини ташкил этадиган актив ёки назорат пакетларини сотиб олишга интиладилар.

Ҳар қандай ҳолда майда ҳамда йирик акциядорлар учун акциялар харид қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим жиҳат бўлиб уларнинг жорий бозор қийматини баҳолаш ҳисобланади. Буни, агар у акцияларнинг бозор баҳоси ёки бўлғуси дивидендлар тўғрисида етарлича ахборотга эга бўлса, бўлғуси инвестор ёки акциялар эгаси амалга ошириши мумкин. Бироқ бир қатор ҳолларда акцияларни баҳолаш учун мустақил баҳолашни жалб этиш мажбурийдир.

***– Даромад олиш учун акция харид қилишдан аввал инвестор биринчи қадамни қандай қўйиши керак?***

– Биринчи навбатда у ким билан иш бошлаётганлигини тушуниши керак. Акциялар деганда акциядорлик жамиятини барпо этаётганида, шунингдек мавжуд устав капитали кўпайганида пул маблағларини сафарбар қилиш учун мазкур жамият чиқарадиган қимматли қоғозлар тушунилади.

Акция – қимматли эмиссион қоғоз, унинг эгасига (акциядорга) дивидендлар кўринишидаги акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини олиш, бошқаришда иштирок этиш ва уни тугатишдан сўнг қоладиган молмулк бир қисмини олиш ҳуқуқини беради. Бозорда одатдаги оддий акциялар энг кўп тарқалган.

Акцияларни дастлабки баҳолаш – номинал баҳолаш – уларни чиқариш даврида юз беради. Номинал қиймат қоғознинг юз томонида кўрсатилади. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар томонидан харид қилинган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

Сўнгра акциялар қиймати уларни бирламчи жойлаштириш чоғида баҳоланади. Бунда эмиссия нархи (акцияни унинг биринчи эгаси харид қиладиган нарх) белгиланади. Кейинги барча чиқарувларда акцияларни реализация қилиш бозор қиймати – акция қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорида сотиладиган ва сотиб олинадиган нарх бўйича амалга оширилади. У одатда, башарти битимлар ҳажми катта бўлса, фонд биржасидаги савдолар жараёнида белгиланади. Биржа курси биржа котировкасининг натижаси сифатида талаб ва таклифнинг тенг нисбати билан белгиланади.

Котировка икки нарх мавжуд бўлишини тақозо этади: харид қилиш (талаб) нархи, бунга кўра харидор акцияни харид қилиш хоҳишини ифодалайди ва таклиф нархи, бунга кўра акция эгаси ёки эмитенти уни сотишни хоҳлайди. Одатда «улар ўртасида» битимни бажариш нархи, яъни акцияларни амалда сотиш нархи бўлади. Шу тариқа, бозор қиймати қимматли қоғозлар сотувчиси ва харидорининг хоҳишлари таъсирида шаклланади.

Мамлакатимиз корхоналарининг кўпчилиги учун бугунги шароитда акциялар нафақат биржада котировкаланмайди, балки умуман амалда иккиламчи бозорда сотилмайди ҳам. Ушбу вазиятда акцияларнинг бозор қийматини, тегишли тузатишларни киритган ҳолда, бизнеснинг бозор қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш қабул қилинган. Инвестор акцияларнинг қандай миқдорига эгалик қилишига боғлиқ ҳолда уларнинг бозор қиймати турлича бўлади.

***– Акциялар қиймати ва акциялар баҳоси битта нарсами?***

– Акциялар қиймати моҳиятан бизнеснинг қийматини баҳолашга ёрдам берадиган асосий тавсифлардан бири ҳисобланади. Ёки, бошқача қилиб айтганда, у мазкур қимматли қоғозларда жамланган бизнес қисмининг қиймати тўғрисида билвосита ҳукм чиқариш имконини беради.

Бироқ акциялар қиймати доимий миқдор эмас. Турли омилларга боғлиқ ҳолда у кўтарилиши ёки тушиши мумкин. Бундан ташқари, акциялар «қиймати» ва акциялар «нархи» тушунчаларини фарқлаш керак. Зеро агар «акциялар нархи» – уларнинг ҳар бир аниқ вақт пайтидаги реал нархи бўлиб, биржа савдоларида белгиланса, «қиймат» тушунчаси аввало акциядорлик жамиятининг ўз фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган омиллар тақозо этган баҳолашнинг бир қадар бошқа механизмлари билан белгиланади.

Акциялар қиймати у ёки бу акциядорлик жамиятига пул маблағларини қўйиш қанчалик ишончлилигини, унинг акциялари қанчалик фойда келтиришини тушунишда ёрдам беради. Бундан ташқари, акциялар қиймати, шунингдек муайян давр мобайнида унинг ўзгариш динамикаси бундай қўйилмалар ишончлилиги ва, асосийси, даромадлилигига оид прогноз кўрсаткичларини тузиш имконини беради. Кўрамизки, акциялар қиймати қўйилган инвестицияларнинг ишончлилиги ва фойда келтиришига кучли таъсир кўрсатиши мумкин.

***– Сиз акциялар бозор қийматини мустақил баҳоловчини жалб этмасдан ҳам чиқариш мумкин дедингиз...***

– Акциялар бозор қийматини баҳолаш учун тегишли лицензияга эга бўлган мустақил баҳоловчини жалб этиш анча мураккаб ва қиммат турадиган иш. Шундай бўлса-да қонун билан белгиланган бир қатор ҳолларда у мажбурийдир. Мисол учун, агар акциялар:

- давлатга тегишли бўлса (хусусийлаштириш);
- низо предмети ҳисобланса;
- уларни акциядорлик жамияти белгиланган тартибда сотиб олишини талаб қилаётган акциядорга тегишли бўлса;
- унга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган корхонага тегишли бўлса;
- улар томонидан ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганида суд ижрочилари хатлаган мол-мулк таркибига кирса.

Қолган барча ҳолларда мустақил баҳоловчини жалб этиш мажбурий эмас.

***– Инвестор баҳоловчини жалб этмаган ҳолда ўзи акцияларни баҳолай оладими?***

– Бу нарса, амалда, қийин эмас.

Умуман акциядорлик жамиятининг бозор қувватини тавсифлаш учун акцияларнинг капиталлаштирилган қиймати (М) кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин. У АЖ барча акцияларининг курс қийматини аниқлайди:

$М = Бқ_а \times М_а$, бу ерда

**$Бқ_а$** – акцияларнинг бозор (курс) қиймати;

**$М_а$** – чиқарилган акцияларнинг умумий миқдори.

Бироқ бозор қийматининг ўзи мазкур корхонанинг акциялари ушбу акциядорлик жамияти капитали билан қанчалик таъминланганлигини кўрсата олмайди. Бундай таъминланганликни акцияларнинг бозор қиймати ($Боз_а$) кўрсаткичи бўйича белгилаш мумкин, у битта чиқарилган акцияга акциядорлик капитали ва резерв фонднинг қандай миқдори тўғри келишини акс эттиради:

$Боз_а = (АК + РФ)/Ма$, бу ерда:

**АК** – акциядорлик капиталининг баланс қиймати;

**РФ** – резерв (суғурта) фонд миқдори.

Баланс қийматини бозор қиймати билан таққослаб ($Бқа/Боз_а$), бундай акциянинг курс нархи компаниянинг реал капитали билан қанчалик таъминланганлигини аниқлаш мумкин.

**Одатда акциялар баланс қиймати унинг бозор қийматидан кам бўлади. Бинобарин, ушбу узилиш қанча кам бўлса, акциялар шунча кўпроқ баҳоланади.**

Яна бир муҳим кўрсаткич – акцияларнинг ҳақиқий қиймати ($Ҳқ_а$) мавжуд, у битта чиқарилган акцияга корхона барча капитал ресурсларининг қандай миқдори тўғри келишини кўрсатади. Капитал ресурслар ҳажми акциядорлик капитали, резерв фонд ва эълон қилинмаган резервлар қийматидан иборатлиги боис, ушбу кўрсаткич баланс бўйича ҳисобланган акциялар қийматидан каттадир:

$Ҳқ_а = Р/М_а$, бу ерда

**Р** – капитал ресурслар, шу жумладан эълон қилинмаган резервлар.

Акциялар ҳақиқий қийматининг кўрсаткичи акцияларнинг назорат пакетини харид қилиш ёки корхонани тугатиш муносабати билан иқтисодий таҳлил чоғида ғоятда муҳимдир.

Шу тариқа, алоҳида олинган корхона акциялари қийматининг ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаб, улар жорий бозор қийматининг асослилигини таҳлил қилиш ва бундай хариднинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бу нарса айниқса фонд бозорининг йирик иштирокчилари учун долзарбдир.

***– Ҳар ҳолда булар мутахассис бўлмаганлар учун анчагина мураккаб, янада оддийроқ усулни тавсия қила оласизми?***

– Уриниб кўраман. Айтайлик, сиз корхонанинг, масалан, тижорат банкининг акциясига эгасиз, у келгусида сизга йилига ҳар бир акция учун 200 сўм миқдорида дивиденд келтиради. Сиз бошқа банклар худди шундай акцияларининг даромад келтириши ўртача 18%ни ташкил қилишини биласиз. Бу ҳолда акциянгизнинг бозор қийматини ҳисоблаш жуда осон. Бунинг учун бир акцияга доир ўртача ҳар йилги даромадларни (мазкур ҳолда 200 сўмни) худди шундай қимматли қоғозларнинг бозорда даромадлилиги кўрсаткичига (мазкур ҳолда 0,18 га) бўлиш кифоя:

200 : 0,18 = 1 111 сўм.

Агар сиз акциянгиз ҳар йили 300 сўм даромад келтиради деб ҳисоблансангиз, бунда унинг бозор қиймати 300 : 0,18 = 1 666 сўмни ташкил қилади.

***Юлия ЯШИНА,***
***махсус мухбир.***
***Муаллиф олган сурат.***

[1] *Роберт Кийосаки – америкалик бизнесмен ва инвестор – мультимиллионер, «CASHFLOW Tehnologies, Inc» компанияси асосчиларидан бири, «Бадавлат дадам тавсия қилади» бестселлер туркуми муаллифи.*


РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

pr_7-47-03

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг туғаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

